

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ИЖТИМОЙ - ИҚТИСОДИЁТ
ФАКУЛЬТЕТИ**

**“Миллий ғоя ва фалсафа”
кафедраси**

**5141500 “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”
йўналиши**

IV курс 20 - 11 гуруҳ талабаси

АХМАДОВ ЗОҲИДЖОНнинг

**XX АСР ҒАРБИЙ ЕВРОПА ФАЛСАФАСИДА
ГНОСЕОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ**

мавзусида бажарган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

**“Миллий ғоя ва фалсафа” кафедраси
катта ўқитувчиси Гофуров Б.А.**

Г у л и с т о н - 2 0 1 5

Битирув малакавий иши Гулистон давлат университетининг 2015 йил 15 апрелдаги 137-С сонли буйруғи билан тасдиқланган Давлат аттестация комиссиясининг ____ сонли йиғилишида муҳокама қилинди ва ____ балл билан (_____) баҳоланди.

(аъло, яхши, қониқарли)

Битирув малакавий иши Ижтимоий-иқтисодиёт факультетининг 2015 йил “____” _____ даги ____ сонли илмий-услубий кенгаши қарори билан Давлат аттестация комиссиясига ҳимоя қилиш учун тавсия этилди.

Факультет декани:

А.Маматов

Битирув малакавий иши “Миллий ғоя ва фалсафа” кафедрасининг 2015 йил “____” _____ даги ____ сонли йиғилишида муҳокама қилинди ва ҳимояга тавсия этилди.

“Миллий ғоя ва фалсафа” кафедраси мудири

Маҳмудов Р.

Битирув малакавий ишини бажарувчи 5141500 “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши 20-11 гуруҳ талабаси _____**Ахмадов З.**

Илмий раҳбар “Миллий ғоя ва фалсафа” кафедраси катта ўқитувчиси _____**Ғофуров Б.**

Г у л и с т о н - 2 0 1 5

Мавзу: XX АСР ҒАРБИЙ ЕВРОПА ФАЛСАФАСИДА ГНОСЕЛОГИЯ МУАММОЛАРИ

Р Е Ж А :

КИРИШ

I БОБ. XX АСР ҒАРБИЙ ЕВРОПА ФАЛСАФАСИ

- 1.01.** XX асрда Ғарбий Европа мамлакатларидаги ижтимоий - сиёсий ўзгаришлар ва уларнинг инсоният фалсафий тафаккурида акс этиши
- 1.02.** XX аср Ғарбий Европа фалсафасининг ўзига хос жиҳатлари
- 1.03.** XX аср Ғарбий Европа фалсафасининг асосий муаммо ва мавзулари

II БОБ. XX АСР ҒАРБИЙ ЕВРОПА ФАЛСАФАСИДА ГНОСЕЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ.

- 2.01.** XX аср Ғарбий Европа фалсафасида рационализм ва иррационализм. Онгсизлик ғояси ва психоанализ.
- 2.02.** Позитивизм, неопозитивизм ва постпозитивизм фалсафасида гносеология муаммолари.
- 2.03.** Герменевтика фалсафасида билиш назарияси масалалари.

Х У Л О С А

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

ИЛОВАЛАР

К И Р И Ш

Мустақилликнинг тараққиёт йўли мамлакатимизда фан ривожини учун кенг имкониятлар яратди. Фаннинг барча соҳаларидаги каби фалсафа соҳасида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлди. Зеро, энг қадимий ривожланиш тарихига эга бўлган фалсафа ўзида турли даврларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини мужассамлаштириб, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашни, нафақат англаш, балки уларга муносабат билдиришни шакллантиради. Модомики шундай экан, бугунги кунда фалсафани янада ривожлантириш, ёш авлодни фалсафий дунёқараш, замонавий фан ютуқларига асосланган фалсафий билимлар билан қуроллантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга”¹.

Фалсафий тафаккурнинг ижтимоий-сиёсий асослари ҳар қандай жамият халқининг ижтимоий онгини ўзгартиришга, унинг пировард мақсадларига хизмат қилишга қаратилган.

Бугунги кунда фалсафий тафаккурнинг янгилиниши нафақат умумий маънавий муҳитнинг, балки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир. Президент Ислом Каримов таъкидлаганларидек: “Фалсафа барча фанларнинг отаси. Фалсафани билмайдиган одам - медицина ёки таълим, санъат ёки маданият соҳаси вакили бўладими, бундан қатъий назар - ҳаётнинг, ўз касбининг маъно мазмунини яхши тушунмайди. Мисол учун, тарихни таҳлил қилиш учун ҳар бир воқеа ва жараёнга фалсафий қараш, уларни умумлаштирган ҳолда зарур хулосалар чиқара олиш керак. Шу боис тарихчи бўлиш учун фалсафий тафаккур қобилиятига эга бўлиш даркор”². Шундагина инсон буюк

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. -Т.: 2008. - Б. 113.

² Каримов И.А. Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш-бугунги куннинг устувор вазифасидир. // Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. -Т.: 2006. - Б. 117.

алломалар орзу қилган фозил одамларнинг комил фазилатларини шакллантириш ва такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўша олади.

“Фалсафа” фани барча замонларда ва мамлакатларда ҳамма университетлар ва бошқа олий ўқув юртларида ўрганиш учун мажбурий саналган фундаментал фанлардан бири бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Мазкур фанни моҳиятини ўрганишимиз жараёнида, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашимиз ва фалсафа инсон ўз-ўзини ва ўзини куршаган дунёни англаб етишида қандай рол ўйнашини тушуна бошлаймиз. Зеро, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги рухий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади”¹. “Бир сўз билан айтганда, ёшларимизни фалсафий тафаккур билан қуроллантириш” - давр талаби. Нега деганда, бугунги замонда ҳар қандай рақиб ва муҳолиф билан баҳсга киришиш учун унинг қарашлари ва ғояси, фалсафасини кўпроқ билишимиз, керак бўлса, унинг ўзидан ҳам пухтароқ эгаллашимиз лозим”².

Бугунги кунда истиқлол туфайли фалсафага, фалсафий таълимотлар тарихига ҳолис илмий ёндашиш имкони очилди. Тарихни билиш, ундан тўғри ва ҳолис ҳулосалар чиқара олиш инсон маънавий камолоти учун ниҳоятда муҳим³. Зеро, ўтмишни билмасдан туриб, келажакни тўғри тасаввур этиш мумкин эмас. Гап фалсафа тарихи ҳақида борар экан, бу ҳақиқат янада катта аҳамият касб этади. Президентимиз Ислом Каримов ҳақли равишда таъкидлагани каби: “Аслида тарих ва фалсафа мантикий равишда бир-бирини тақозо этадиган, керак бўлса, тўлдирадиган, тараққиёт жараёнлари ҳақида яхлит тасаввур берадиган, оқ-қорани фарқлашда асос бўладиган фанлардир. Бироқ бизда ҳалигача фалсафа бўйича талаб даражасидаги дарсликлар, “Жаҳон фалсафаси”, “Шарқ фалсафаси” каби зарур китоблар яратилмаётганини қандай изоҳлаш мумкин?..

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. -Т.: 2008. - Б. 83.

² Каримов И.А. Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш -бугунги куннинг устувор вазифасидир. // Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркиликлари - олий кадрият. -Т.: 2006. - Б. 118.

³ Ғарб фалсафаси. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. -Т.: 2004. - Б. 3.

Албатта, фалсафа замон ва макон билан боғлиқ мураккаб фан эканини тушунамиз. Шу боис ҳақиқатни топиш учун қарама-қарши фикрларни ўртага ташлайлик, муҳокама қилайлик.

Мана, мисол учун Фрейднинг назарий қарашлари, прагматизм ва экзистенциализм ғоялари, Бердяев ва бошқаларнинг фалсафасидан ўргансак, фойдадан холи бўлмайди.

Мен Ғарб фалсафасида ҳам барча муаммолар ечилган демокчи эмасман. Биз кўп масалаларда Ғарб файласуфларининг фикрлари билан, айниқса, индивидуализм, эгоизм қарашларини илоҳийлаштириш билан келишмаслигимиз мумкин. Лекин уларни ҳисобга олишимиз, кераклисини эътироф, кераксизини инкор этишимиз зарур”¹.

Тарихни ўрганмоқ ва ундан сабоқ олмоқ ҳар бир инсон учун зарурдир. Бу-фалсафа билан шуғулланаётган мутахассис учун ҳам, уни ўрганаётган оддий китобхон учун ҳам бирдек аҳамиятга эга². Тарихни фалсафасиз тўғри тушуниб бўлмагани каби фалсафани ҳам тарих ҳақиқатисиз тўғри англаб бўлмайди. Тарих - буюк муаллим, ўтмишдан сабоқ берадиган тарбиячи. Зеро, ўтмишсиз келажак йўқ!

Шу маънода, биз фалсафа тарихини, хусусан Ғарб фалсафасининг ривожланиш босқичлари ва тараққиёт тамойилларини ҳам, азбаройи ўтмишга оддийгина қизиққанимиз учун ўрганмаяпмиз. Биз уни турли замонларда рўй берган хилма-хил воқеа ва ҳодисаларнинг фалсафий фикр ва онгда қандай акс этгани, қайси таълимотлар инсоният тараққиётига қандай таъсир кўрсатгани, қайси мафкура одамзодни кўпроқ ривожланиш ёки таназзул томон етаклагани каби ҳақиқатларни билиб олиш учун ўрганамиз.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, биз фалсафа тарихини фақат машҳур номларни шунчаки эслаш ёки атоқли алломалар яратган таълимотларни билиб олиш учунгина ўрганмаймиз. Балки инсоният тарихида ўчмас из қолдирган мутафаккирларнинг ибратли ҳаёти, эзгу ғоялари

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. - Т.: 2000. - Б. 505 - 506.

² Ғарб фалсафаси. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. - Т.: 2004. - Б. 4.

моҳиятини, Шарқ ва Ғарб маданиятининг ўзаро таъсирини чуқур англаш, бу соҳадаги билимларга таяниб, бугунги фалсафий муаммоларнинг ечимини топиш учун ҳам уни атрофлича ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг теран илдизлари мавжуд бўлиб, истиқлол мафкурасининг шаклланишида унинг тарихий илдизлари билан биргаликда фалсафий илдизлари ҳам унинг шаклланишига кучли таъсир этган. Мустақиллик даврида миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши билан бир вақтда унинг фалсафий илдизларини ўрганиш ва тадқиқ этиш ижтимоий соҳанинг энг долзарб мавзуларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мустақиллигимиз туфайли халқимизнинг миллий онги, миллий ғурури, миллий ифтихори, маънавий дунёси кундан - кунга бойиб бормоқда. Бу эса мустақил давлатимизнинг фалсафий асосини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

“Миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланиб янада ривожлангандагина жамиятда ўтказилаётган ислохотларни муваффақиятли амалга оша олади, чунки маънавий баркамол, маърифатли, руҳан бардам, янгича тафаккурлаш қобилиятига эга инсонгина истиқлол ва тараққиёт йўлини шараф билан ўта олади. Шундай экан, халқимизнинг маданий мероси, юксак маънавий қадриятларини чуқур ва атрофлича ўрганиб, уларни республикамызда яшовчи ҳар бир инсоннинг онгига сингдириб, айниқса, ёш авлодни маънавий етук, фидоий комил инсонлар этиб тарбиялаш ҳозирги кундаги энг долзарб муаммолардан ҳисобланади”¹.

Ўзбекистонда миллий тикланиш бир томондан миллий ўзликни англаш, бошқа томондан, жамиятнинг ғоявий-мафкуравий асосларини яратиш, учинчи томондан эса бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш асносида юз бермоқди.

Мустақиллик даврида бу борада катта ишлар бажарилди. Бироқ, ҳали бажарилиши лозим бўлган вазифалар кўп. Мамлакатимизда иқтисодий

¹ Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. -Т.: Ўзбекистон. 1998. - Б. 6.

ислоҳотларни амалга ошириш энг аввало унинг фалсафий асосларини мустаҳкамлашни талаб этади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Маълумки, гносеология, яъний билиш назарияси муаммолари онтология, праксиология, аксиология, эвристика ва ҳ.к. лар каби фалсафа фанининг марказий масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу муаммонинг фалсафа тарихида қўйилиши ва ечилиши барча даврларда ҳам ўзига хос аҳамият касб этган ҳамда турлича нуқтаи-назарлардан талқин қилинган. Ушбу ишимизнинг асосий мақсади жаҳон фалсафаси тарихида ва ривожида алоҳида аҳамият касб этган XX аср Ғарбий Европа фалсафасида гносеология муаммоларининг қўйилиши ва ечилиши ҳамда унинг ривожланиш йўналишларини аниқлаш ва илмий тадқиқ этишдир. Ушбу бош мақсаддан келиб чиққан ҳолда биз ўз олдимизга қуйидагиларни асосий вазифа қилиб белгиладик:

- билиш назариясининг предмети ва мазмун-моҳиятини тадқиқ этиш;
- билиш фаолияти ва шаклларининг кўп қирралилигини таҳлил этиш;
- XX аср Ғарбий Европа мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида давр талаблари натижасида юзага келган ўзига хос ўзгаришларни замонавий фалсафа ва сиёсатшунослик тамойилларига мос равишда асослаш;
- XX аср Ғарбий Европа фалсафасининг ўзидан аввалги даврлар фалсафий тафаккуридан фарқли томонларини БМИ доирасида тадқиқ этиш, ҳамда унинг ўзига хос жиҳатларини замонавий фалсафий адабиётлар ва тадқиқот материаллари асосида талқин қилиш;
- XX аср Ғарбий Европа фалсафасида гносеология масалаларининг ҳозирги давр илм-фани учун аҳамиятини кўрсатиб бериш;
- инсоннинг ўзини, олами, жамиятни ҳамда миллий ўзликни англашининг билиш жараёнидаги ўрни ва ролини таҳлил қилиш;
- ҳозирги давр ёшларини миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда билиш жараёнини ўрни ва ролини асослаш ва бошқалар;

Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар.

Битирув-малакавий ишимизда XX аср Европа файласуфлари ва уларнинг илмий меросида гносеология масалаларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор берилиб, унинг ҳозирги давр илм-фани ривожига ўрни ва роли масаласига асосий эътибор қаратилади. Бундан ташқари, XX аср Европа фалсафасида ушбу муаммонинг шаклланиши, мақсади ва асосий вазифалари, унинг аҳамияти ҳамда ривожини ёритишга ҳаракат қилдик. Шу билан бирга XX аср Европа фалсафаси шаклланишидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлар, унинг асосий йўналишлари ва уларнинг билиш назариясига муносабати масаласини таҳлил қилган ҳолда, XX аср Европа фалсафасининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида фикр юритамиз. Билиш назариясининг предмети ва мазмун-моҳияти, билиш фаолияти ва шакллари кўп қирралилиги, XX аср Ғарбий Европа фалсафасининг ўзига хос жаҳатлари каби масалалар ҳам диққат марказимизда бўлади.

Битирув малакавий ишининг тадқиқот методлари. Мавзунини ёритишда соҳа ривожига тегишли Президент асарлари, фармонлари, қарорлари ва бошқа илмий ва оммавий адабиётлардан ва XX аср Ғарбий Европа файласуфларининг тадқиқот ишлари ва билиш назарияси масалаларига бағишланган бир қатор илмий мақолалар, интернет сайтларидаги маълумот ва хабарлардан назарий асос сифатида, имконият даражасида фойдаландик. Бундан ташқари мустақиллик йилларида Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг қатор янги методологик хулоса, ечимларига кўра ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида бўлгани каби фалсафа фанига, унинг инсон ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятига бўлган муносабат тубдан ўзгариб бормоқда, эволюцияга учрамоқда. Бундай, айниқса илғор Ғарбий Европа файласуфларининг фалсафа фанига, унинг марказий муаммоларидан саналмиш гносеология масалаларига ижодий-яратувчи куч сифатида қарашдан иборат самарали, инсонпарвар илмий тадқиқот усул, принципларини И.Каримов талаб қилаётганидек Ўзбекистонга олиб келиш, улардан самарали, ижодий-танқидий фойдаланиш жуда қўл келмоқда.

Бизнинг ушбу БМИмизда муаммога ана шу усулда ёндошиш асос қилиб олинган. Бундан ташқари билиш назарияси муаммолари билан боғлиқ фалсафий-гносеологик ахборот ва маълумотларни йиғиш, ҳамда қиёслаш, тарихийлик, холислик, мантиқий изчиллик, мунтазамлик ушбу битирув малакавий ишида қўлланилган илмий тадқиқот материалларини ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур битирув-малакавий ишимизда келтирилган маълумотлардан фалсафа фани билан боғлиқ барча фанлар соҳаларида фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари ушбу БМИ материалларидан “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар”, “Жаҳон тарихи”, “Фалсафа тарихи”, “Тарих фалсафаси”, “Табиий фанларнинг фалсафий масалалари”, “Фалсафанинг умумназарий масалалари” ва бошқа умумфалсафий фанлардан маъруза, реферат, ТМИ, курс ишлари ёзишда, семинар машғулотларига тайёргарлик кўришда фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, ушбу БМИ материалларидан қадимий тарихга эга бўлган фалсафа фанининг марказий муаммоларидан бири бўлмиш гносеология масалалари билан қизиқувчи-мактаб, АЛ, КХК ўқитувчилари ва ўқувчилари, умуман барча кишилар ёрдамчи материал сифатида фойдаланишлари мумкин. Юқорида кўрсатилганларнинг барчаси битирув малакавий ишимизнинг назарий ва амалий аҳамиятини ташкил этади.

БМИ нинг тузилиши. Мазкур битирув-малакавий ишимиз кириш, 2 боб, 6 параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 59 бетни ташкил этади.

I БОБ. XX АСР ҒАРБИЙ ЕВРОПА ФАЛСАФАСИ

1.01. XX асрда Ғарбий Европа мамлакатларидаги ижтимоий - сиёсий ўзгаришлар ва уларнинг фалсафий тафаккурда акс этиши.

XX аср турли ижтимоий системалар, маънавий-ахлоқий таълимотлар, кадриятларнинг синовдан ўтиш даври бўлди. Бу давр индивидлар, ижтимоий гуруҳларнинг мақсад ва идеалларнинг ҳаётий ёки ҳаётий эмаслигини текширишдан ўтказди. XX аср фалсафасида инсон ижтимоий фаолиятининг барча соҳаларида ўз даврининг ўта зиддиятли, долзарб муаммолари ўзифодасини топди.

Биз, албатта, Европа фалсафасидаги барча қисмлар ва қарашларни батафсил кўриб чиқиш имкониятига эга эмасмиз. Лекин ундаги асосий йўналишлар, ғоявий-ахлоқий қарашлар қандай ва қайси томонга қараб ривожланди, XX асрда фалсафий фикр тарақиётидаги характерли белгилар нималардан иборат, деган саволларга маълум маънода жавоб бермоғимиз керак бўлади.

Маълумки, XX аср инсоният тарихи салномасига мисли кўрилмаган илмий, техникавий ўзгаришлар асри сифатида кириб келди. Бунга табиат, жамият ва инсон тафаккурининг барча жабҳаларида эришилган муҳим ютуқлар сабаб бўлди. XX аср охирига келиб ананавий (классик) тафаккур услуби ўрнига ноананавий (ноклассик) тафаккур услуби табиатшунослик, техника ва ижтимоий фанлар соҳасида шаклланди. Фан ва техникада, кундалик ҳаётда микро олам ҳодисалари, сунъий материаллардан, ярим ўтказгич ва микро техникадан фойдаланиш оддатдаги бир ҳолга айланиб қолди. Инсон даҳоси атом, хужайра, генларни жиловлаб қолмасдан, коинот сари ҳам дадил қадам ташлади. Ҳозирги даврга келиб эса электроника ва компьютерсозлик соҳасида эришилаётган ютуқлар абадий ҳисобланган илмий тамойил ва методларни қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Бу ўз

навбатида дунёқараш ва методология аҳамиятига эга бўлмиш фалсафа учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

XX аср ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам мисли кўрилмаган тарихий воқеалар содир бўлди. Улар табиийки инсониятнинг маънавий ҳаётида акс этибгина қолмасдан, балки чуқур из ҳам қолдирди, кишиларни ўзи ҳақида атроф олам ҳақида, юз бераётган воқеа ҳодисалар ҳақида фалсафий мушоҳада қилишларига олиб келди. Бу албатта ҳаёт қонунияти, давр талаблари асосида юз берган ва юз бераётган ҳодисалар эди.

XX асрнинг 20 йилларига келиб, биринчидан I жаҳон урушининг оқибатлари ва иккинчидан, 1917 йил Россиядаги Октябрь тўнтариши таъсири остида Ғарб маънавий ҳаётида чуқур ўзгаришлар содир бўлди. Бироқ Россиядаги Октябрь тўнтариши оқибатлари Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам ижобий ўзгаришларга олиб келмади. Россияда ўрнатилган тизим пролетариат диктатураси вольонтаризм ва субъективизмнинг қурбонига айланди. Бутун ҳокимиятда Сталинча тоталитар тартиб ўрнатила бошланди.

Ғарбда эса италян ва немис фашизми тарих майдонига чиқа бошлади. 1930 йилнинг бошларига келиб Германия ва Италияда фашизм диктатураси ўрнатилди. Шундай қилиб, ҳам Шарқда ва ҳам Ғарбда II жаҳон уруши учун сиёсий ва ҳарбий вазият юзага кела бошлади. 1940 йилга келиб Россия томонидан Болтиқ бўйи давлатлари - Литва, Латвия ва Эстония забт этилди.

Бу даврга келиб фашистлар Германияси Австрия, Польша ва Чехословакияни босиб олди. XX асрнинг энг мудҳиш воқеаси - II жаҳон уруши бошланди. Бу уруш адолат ва ноҳақликнинг, жаҳолат ва бағрикенгликнинг, инсонпарварлик ва агрессиянинг, халқпарварлик ва эгоизмнинг, фашизм ва большевизмнинг, умуминсоний қадриятлар ва қабохат фалсафасининг ўзаро кураши бўлди.

II жаҳон урушидан сўнг жаҳонда икки сиёсий система - капиталистик ва социалистик тизимлар қарор топди. Социализмнинг қарор топиши қатор Ғарб капиталистик давлатларини қаттиқ ташвишга солиб қўйди. 40

йилларнинг охирларига келиб НАТО ҳарбий блоки, орадан озроқ вақт ўтиб эса Варшава ҳарбий блоки тузилди. Жаҳонда ўзаро қарама-қарши туриш ва бунинг оқибатида “совуқ уруш” даври бошланди. Жаҳон ҳамжамиятида рўй берган бу сиёсий воқеалар жамият маънавий ҳаётида, жумладан фалсафада ҳам ўз аксини топди. Ўша даврлардан бошланган Ғарб ва Шарқ ўртасидаги ўзаро мафкуравий кураш ҳар икки томонга ҳам қимматга тушди. Уларнинг ҳар иккисида ҳам ҳарбий харажатлар мисли кўрилмаган даражада ошиб борди, ўз навбатида солиқлар ҳам тобора ошиб борди, экологик, ижтимоий ва сиёсий тангликлар ҳам йил сайин кўтарилиб борди. Икки ҳарбий блок, икки ҳарбий тизим жаҳонда ўз тарафдорларининг сонини оширишга ҳаракат қилардилар. Ер шарининг барча стратегик нуқталарини эгаллаш учун гоҳ очик, гоҳ яширин кураш олиб бордилар.

“Совуқ уруш” кайфияти, айниқса собиқ шўролар мамлакатига ҳам қимматга тушди. Маданий ва маънавий йўқотишлар бениҳоя ортиб борди. Нимаики ғарбий бўлса, ўша нарса танқид қилинди, ошкора инкор қилинди. Ғарбда юзага кела бошлаган янги фан ва техника ютуқлари ҳам шу мафкуравий курашнинг қурбони бўлди. Масалан, генетика, кибернетика каби фанлар “буржуа”, “реакцион” ва “ёлғон фанлар” деб эълон қилинди ва инкор этилди. Бионика, семиотика, информатика назарияси, эргономика ва ҳ.к. фанлар ҳам собиқ шўролар давлатида етарлича ривожлантирилмади.

Бунинг натижасида электроника, компьютерсозлик ва бошқа соҳалар бўйича собиқ Иттифоқ Япония, Корея, Германия каби мамлакатлардан анчагина ортда қолиб кетди.

60-70 йиллар Собиқ Совет Иттифоқида турғунлик даври бошланди, ичидан чирий бошлаган сталинча-брежневча якка ҳокимликка асосланган тизим мамлакатни иқтисодий ва маънавий тангликка олиб келди. Бу даврда кўпчилик файласуфлар фалсафани ўта сиёсийлаштиришга, мафкуравийлаштиришга ўзларининг катта хиссаларини қўшдилар. Фалсафада ҳур фикрловчи олимлар маънавий қўвғинликка учрадилар.

1980 йилларнинг ўрталарига келиб ошкоралик, жадаллаштириш, демократиялашув, ўтмиш тарихий воқеаларини ўрганиш ва уларга ҳолисона баҳо бериш жараёни бошланди. Бу даврга келиб ҳақиқий демократия, халқпарварликнинг туб принципларини тиклаш учун кураш авж олиб кетди¹.

XX асрнинг 90-йилларига келиб эса марксизм-ленинизм мафкурасига асосланган социалистик тизим деярли ичидан емирилиб, инқирозга юз тутди. Унинг инқироzi тасодифий бир ҳол бўлмай, балки ўзига хос тарихий қонуният эди². Ўн беш иттифокдош Республикаларни ўзида бирлаштириб турган, мағрибдан машрикқача минг-минглаб чақирим масофаларни забт этган СССРдек буюк бир империя таназзулга юз тутиб, унинг ўрнида мустақил давлатлар ташкил топди. Бутун дунё ҳамжамиятида юз берган юқоридаги каби бундай оламшумул воқеалар албатта инсоният фалсафий тафаккурига жуда катта таъсир кўрсатди. Бу воқеа-ҳодисалар инсоният фалсафий тафаккурига шунчаки таъсир этибгина қолмасдан, балки унинг тубдан ўзгаришига-азалий фалсафий меъёрларнинг бузилишига, давр талабларидан келиб чиққан ҳолда фалсафий муаммоларнинг бошқача, ноананавий йўналишларда қўйилиши ва ҳал қилинишига сабаб бўлди.

¹ Фалсафа. Ўқув қўлланма. Т.: 1992. - Б. 46.

² Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. Т.: 1998. - Б. 96.

1.02. XX аср Ғарбий Европа фалсафасининг ўзига хос жиҳатлари.

Маълумки, фалсафа инсон маънавий ҳаёти ва билимларининг қадимий тармоғи ҳисобланади. Барча мамлакатлар ва минтақалардаги одамлар қарийб уч минг йилдан буён турли шаклларда, аввал афсоналар шаклида, кейинчалик муайян назарий тузилмалар тизими ва бир бутун концепциялар шаклидаги “инсонни ўраб турувчи олам аслида нима ҳамда унда инсон қандай ўрин ва вазифани эгаллайди?” деган саволни кўндаланг қўяди ва бу саволга жавоб беришга уринади. Ҳозир, XXI аср бошида ҳам дунёда кўрсатиб ўтилган саволларга жавоб беришга уринувчи кўплаб назарий концепциялар мавжуд. Шунини таъкидлаш жоизки, ўтмишдаги ва ҳозирги кундаги фалсафий қарашлар кўп жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Бирок шундай бир умумийлик ҳам мавжудки, у мазкур саволларни айнан фалсафий саволларга тенглаштириш имкониятини беради. Бу умумийлик “Олам ва одам”, “Мен-Мен эмас”, “Мен-У” деган масалаларни қўйиш ва уларга жавоб беришдан иборат. Фалсафа тарихининг ҳар бир босқичида, ҳар бир фалсафий тизимда инсон мазкур саволларга оид жавоблардан ҳақиқат зарраларини излаб топишга уринади. Айнан мана шу зарралар фалсафий билим тузилмасига киритилиб, ҳар бир муайян босқичда умуман фалсафа асосларини ташкил этади.

Қайси фалсафий муаммо-бош, етакчи муаммо эканлиги файласуфларни ҳамини қизиқтириб келган. Айрим файласуфлар буни Худони билиш, бошқалари-инсонни билиш, учинчилари-дастлабки борлиқни аниқлаш, тўртинчилари-дунёнинг қадриятли ўлчови ва ҳоказоларни билишда деб билганлар. Фалсафанинг асосий муаммолари мавжудми? Агар мавжуд бўлса, улар нималардан иборат?

Барча фалсафий муаммоларни учта асосий гуруҳга тақсимлаш ва қуйидаги саволлар билан ифодалаш мумкин¹:

1. Дунё нима?

¹ Аҳмедова М. Фалсафа. Дарслик. -Т.: 2005. - Б.116.

2. Инсон нима?

3. Дунё билан инсон ўртасидаги муносабат масаласи нималардан иборат?

Агар биз ҳар қандай фалсафий муаммони оладиган бўлсак, у албатта мана шу учта фалсафий масаладан биттасига даҳлдордир.

Шундай қилиб, фалсафанинг марказий масаласи бўлган инсоннинг дунёга муносабати унинг мавзуси ҳамда инсон табиатида мавжуд бўлган дунёқарашидан келиб чиқади. Бу ерда, “дунё-инсон” тизими тўғрисида гапирганда, “дунё” ва “инсон”ни уларнинг ўзаро қарама-қарши томонларини қайд этувчи жуда кенг фалсафий тушунча эканлигини назарда тутиш керак. Шу боис мазкур контекстда улар “Мен” ва “Мен-эмас”, “субъект” ва “объект”, “макрокосмос” ва “микрокосмос”, “ички дунё” ва “ташқи дунё”, “руҳ” ва “табиат”, “онг” ва “материя”, “тафаккур” ва “борлиқ”, “маънавий” ва “моддий” каби турли давр ҳамда ҳар хил фалсафий тизимларда инсоннинг дунёга нисбатан қарашлари акс эттирилган бўлиб, улар бирор оппозицияларга тенгдир.

“Дунё” - инсон” муаммосининг мазмуни марказий фалсафий муаммо сифатида у ёки бу тарихий даврнинг етакчи йўналишлари (тенденциялари) мазмуни билан боғлиқдир. Жамиятда устувор муаммолар ўзгарганида мазкур муаммо мазмунига нисбатан урғу, таъкид ҳам ўзгаради. Бу урғулар у ёки бу тарихий давр файласуфларининг диққат маркази нимага қаратилганлигининг ифодаси ҳисобланади. Бошқача айтганда, “дунё-инсон” муаммоси у ёки бу давр фалсафий тафаккури йўналишини (парадигма) ифодалайдиган ўз тарихий шаклларига эга.

Мана шу тарихий шаклларни Европа фалсафаси мисолида кўриб чиқамиз.

Онтологик шакл. Фалсафа илми билан шуғилланишга киришган инсон дуч келадиган биринчи муаммо бу онтология (онтос-борлиқ, логос-таълимот, яъний борлиқ ҳақидаги фалсафий таълимот) муаммосидир. Мифологиядан фарқи ўлароқ, фалсафа субъект ва объектни фарқлашдан бошланади. Шунинг

учун дастлабки файласуфларнинг дунёга муносабати “Мен эмас”, “У”га бўлиб, инсон дунёсига қарама - қарши турувчи ташқи, шахсдан ташқари дунё (коинот, табиат) га нисбатан муносабатдир. Фалсафа ўзининг илк шаклланиш босқичидаёқ ўз мавзусининг энг муҳим нуқтаси: “дунё” ва “инсон” ни ажратган ва шу билан аввал бошдан фалсафанинг марказий вазифасини ифодалаган.

Антик фалсафада мазкур вазифа бутун мавжудот бош асосини қидириш билан боғлиқ бўлди. Фалес суви, Анаксимен ҳавоси, Гераклит олови, Афлотун ғояси, Демокрит атоми - ана ўша бош асослар турларидир. Гарчанд юнон файласуфлари гносеологик, ахлоқ ва бошқа фалсафий муаммолар тўғрисида ўз фикрларини айтган бўлсалар-да, онтологик муаммо, энг аввало “Дунё нимадан иборат” ёки “Дунё нимага асосланган?” каби саволлар улар учун бош, асосий муаммо бўлган деб, иккиланмай айтиш мумкин.

Шундай қилиб, қадимда фалсафанинг асосий масаласи онтологик тусга эга бўлиб, “дунё-инсон” тизимида борлиқ муносабатларига тааллуқли бўлган.

Ўрта аср европа фалсафасида “дунё-инсон” муаммосида онтологик масала марказий ўринда сақланган. Бироқ ўрта аср шароитида мазкур муаммо фалсафанинг илоҳиётга бўйсунишдан келиб чиқадиган ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Ташқаридан “дунё-инсон” оппозицияси (табиат ва рух, модда ва онг) “дунё-худо” оппозицияси билан алмашинади. Бироқ моҳиятига кўра, ўша дилемма ҳал қилинади, чунки худо (руҳий ибтидо) инсондан мавҳумлаштирилган ва “онг”, “рух” ва “тафаккур”нинг мутлақлаштирилган шаклидадир. Шундай қилиб антик даврда ва ўрта асрда фалсафа энг аввало: “Дунё нимадан иборат?”, “Дунё нимага асосланган?” каби саволларга асосий омил “моддий субстанция ёки руҳий ибтидо, табиий ёки илоҳий” деб жавоб берган.

Гносеологик шакл. Ўз мазмун-моҳиятига кўра фалсафа илмининг марказий муаммоларидан бири бўлиб, бу муаммонинг қай даражада ҳал этилиши одамнинг оламга, оламнинг эса одамга муносабати масаласини мантиқан белгилаб берар эди. Янги даврда олам мукамал ишлаб чиқилган

назариялар орқали тушунтирилди, яъни атомизм ва механика устуворликка эга бўлди. Кўпчиликка дунёнинг тугал манзарасини яратиш учун у ёки бу нарсанигина аниқлаштириш қолгандек туюлди. Онтологик масалалар орқага сурилиб, гносеологик ва методологик масалалар марказий муаммога айланди. Бу эса қуйидаги ўзига хос омиллар асосида амалга ошди:

- Янги даврда гносеологик муаммонинг устувор марказий масалага айлантирган саноат ҳамда табиатшуносликнинг гуркираб ривожланиши;
- Буюк географик кашфиётларнинг амалга оширилиши (Ф.Магеллан, Х.Колумб ва бошқалар);
- Ер ва осмон жисмлари механикаси, тахлилий геометрия, дифференциал ва интеграл ҳисобларнинг яратилиши;
- Кимё, география, геология, ботаника, зоология ва бошқа табиатшунослик фанларидаги кашфиётлар;
- Юқоридагиларнинг мантикий натижаси ўлароқ фан имкониятларини оширган янги техник воситалар: микроскоп, телескоп, термометр, симобли барометр кабиларнинг яратилиши.
- Ўрта асрларда ҳукмронлик қилган дунёнинг илоҳий манзараси ўрнини дунёни табиий-илмий фанлар ютуқлари асосида тушунтириш эгаллай бошлади.
- Фалсафада мантик, методология ва билиш назарияси муаммоларининг олдинги ўринга чиқиши.

Янги давр фалсафаси унинг асосчилари бўлган Ф.Бэкон ва Р.Декарт номидан ўзининг асосий парадигмаларини гносеологик-методологик асосда: эмпиризм (Бэкон) ва рационализм (Декарт), индуктивизм (Бэкон) ва дедуктивизм (Декарт) кўринишида ифодалагани тасодиф эмас. Айнан Бэкон ва Декарт Янги давр фалсафаси муаммо майдони асосий назарий парадигмаларини ифодалаган. Янги даврда инсоннинг дунёга муносабати тўғрисидаги фалсафий масала гносеологик тусга эга бўлади (“Дунёни билиш мумкинми ва қандай қилиб?”). Назарий фалсафанинг бош масаласи - “Мен

нимани билишим мумкин?” деб қайд этган Кант фалсафасида у тугал ва узил-кесил шаклга эга бўлди.

Аксиологик ва праксиологик шакл. Жамиятнинг кейинги тараққиёти илмий билишни шу даражада ривожлантирдики, натижада онтологик ва гносеологик масалалар антик фалсафа ва Янги давр фалсафасидаги устуворлик мавқеини сақлаб қола олмади. Бу уларнинг кун тартибидан олиб ташланганлигини билдирмайди. Гап башарият ўз ривожининг шундай нуқтасига етиб келганида-ки, бунда кун тартибига одамзот ҳаётининг асослари ва башариятнинг ўзини ривожланиш истиқболлари тўғрисидаги масалани марказий масала сифатида қўйилишидир. XX асрда эса бу масала ўзига хос объектив ва субъектив жиҳатларга кўра тақдирий аҳамият касб этди.

XIX-XXI асрларда “Мавжуд дунё мукамалми?” (инсоннинг дунёга бўлган муносабатини аксиологик томони), “Дунёни амалий ўзгартириш мумкинми ва қандай қилиб?” (инсоннинг дунёга муносабатини праксиологик томони) каби саволлар долзарб муаммо бўлиб қолди. Мана шулар “дунё-инсон” муаммосининг Янги ва Энг янги даврлар вужудга келтирган янги томонларидир. Бу саволлар илгари ҳам файласуфлар назарида бўлган¹.

“Мавжуд дунё мукамалми?” деган саволга (асосий фалсафий масаланинг аксиологик томони) ҳозирги замон одами ҳеч иккиланмасдан салбий жавоб беради. Бундай жавоб илгари ҳам берилган, бироқ у, биринчидан, локал-минтақавий тусда бўлиб, иккинчидан, аҳолининг турли қатламлари учун универсал эмас эди. Бугунги кунда дунёнинг мукамал эмаслиги тўғрисида гапирганимизда, барча дунёнинг бир бутунлигини назарда тутамиз. Гап давлат ва минтақаларнинг ўзаро муносабати, инсонларнинг табиат билан муносабати, ўзаро муносабатлари, замонавий қадриятлар, таълим ва тарбия, маданият тақдири ва бошқалар тўғрисида кетаяпти.

¹ Аҳмедова М. Фалсафа. Дарслик. -Т.: 2005. - Б. 125.

Тарихий даврларнинг алмашуви бугунги кунда бутун инсоният (социум) ни қамраганидек, ундаги алоҳида шакл ва соҳаларни ҳам қамраган инқирознинг қонуний натижасидир. Шунинг учун бу инқирознинг инсон ҳаёти ва замонавий цивилизация асосларига дахлдор глобал тарздалиги таъкидланади. Бу ҳақда Ф.Ницше, О.Шпенглер, Й.Хейзинга, К.Ясперс, Ж.Дьюи, Э.Фромм, А.Печчеи ва бошқалар ўз асарларида ёзган.

“Дунё-инсон” муаммосининг праксиологик томони қуйидагича ифодаланади: “Дунёни ўзгартириш мумкинми? Агар мумкин бўлса қандай қилиб?” Бу савол илгари ҳам қўйилган, бироқ унинг ечими дунёнинг диний ва утопик тузилиши, монархик институтларнинг ўзбошимча хулосалари доирасида чекланган эди.

Янги ва айниқса ҳозирги кейинги давр чуқур ижтимоий сифат ўзгаришларини жамиятнинг табиий-тарихий ривожининг ажралмас қисми эканлигини намоён қилди. Агар XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярми аввалги дунёни кескин инкор қилиш (жумладан зўрлик асосий компонент сифатида) тарзида ўтган бўлса, ҳозирги давр ижтимоий ўзгаришларининг бош усули бўлиб, ислохотлар эътироф этилмоқда. Тўғри, ҳозирча зўрлик ишлатиш реал ҳаётнинг далили сифатида ҳали бекор қилинмаган.

Шундай қилиб, “дунё-инсон” муаммоси марказий фалсафий муаммо сифатида ўзгармоқда. Унинг онтологик, гносеологик, аксиологик, праксиологик томонлари тўғрисида гапиришимиз мумкин. Шунинг билан бирга турли тарихий даврлар унинг у ёки бу томонларини даврнинг асосий жараёнларида биринчи ўринга чиқаради.

Умуман олганда фалсафа тарихида шаклланган турли фалсафий йўналишларни ҳар хил асослар: етакчи фалсафий муаммолар (ибтидо муаммоси, дунёни билиш муаммоси ва бошқалар) га муносабат, усул, мавзу асоси, классик мерос ва башқаларга муносабат бўйича гуруҳлаштириш мумкин.

Фалсафий йўналишлар дунё ибтидосининг табиати тўғрисидаги масалада у моддий ёки ғоявий ягона субстанция - монизм, тенг ҳуқуқли

мустақил (моддий ва рухий) - дуализм, кўпчилик субстанциялардан иборат плюрализм деб эътироф этиладиган йўналишларга бўлинади.

Шу маънода XX аср Ғарбий Европа фалсафасининг барча оқим ва йўналишлари давр тақозоси билан ўзлари шаклланган ижтимоий-сиёсий муҳитнинг маҳсули сифатида юқоридаги каби фалсафий муаммоларнинг қўйилиши ва ҳал қилиниши жиҳатидан алоҳидаликка ва кези келганда маълум бир умумийликка эгалиги билан диққатга сазовордир.

1.03. XX аср Ғарбий Европа фалсафасининг асосий муаммо ва мавзулари

Одатда марксча-ленинча фалсафа номарксистик фалсафага қарама-қарши туриб, Яқин кунларгача уни фақат “танқид” нуктаи назаридан ўрганар, баҳо берар эди¹. Бу нарса турғунлик даври фалсафаси ва умуман мафкураси учун характерли бўлган ҳолат эди. Республикамиз мустақилликка эришгач шакллана бошлаган янгича сиёсий фикрлаш услубининг таъсири оқибатида “номарксча” фалсафага бўлган анъанавий муносабатлар ҳам ўзгара бошлади, энди тарихий тараққиёт умуминсоний қадриятлар табиатига эътиборни кучайтиришни тақозо эта бошлади. Бунинг асосий сабабларидан бири табиат, жамият ва инсон тафаккурини илмий билиш борасида Ғарб илмининг методология ва фалсафасининг илгарилаб кетганлигидир.

XX асрнинг иккинчи ярмидаги фалсафий тизимларнинг тарқоқлиги ва бир-бирига қарама-қаршилиги икки аср чегарасидаги жамиятнинг умумий таназзули ва ўтиш даврининг қарама-қаршилкларини ифодалар эдики, бу даврда инсоният илгариги ҳаёт тарзи шаклларини кескин танқид қилиб, ижтимоий ҳаётнинг янги шаклларини қидира бошлаган эди.

XX асрнинг иккинчи ярмида вазият тубдан ўзгаради. Биринчидан, дунёвий жараёнларнинг ўта глобаллашуви юз беради. Бу ҳодисани К.Ясперс қайд этиб, шундай деб ёзган эди: “барча муҳим муаммолар бутун дунё муаммоларига айландилар, вазият бутун башарият вазиятига айланди”². Инсоният бир-бирига боғлиқлиги, бирлик ва бутунлигини англаш томон бормоқда. Замоннинг қатъий талаби маданиятларнинг бир-бири билан диалогидир ва бу жараённинг энг муҳим қисми Шарқ ва Ғарб ўртасидаги фалсафий суҳбат (диалог) дир.

Иккинчидан, бугун биз кўп қутбли дунёнинг шаклланишини шоҳиди бўлиб, дунё тараққиётининг янги марказлари мақомини олишга даъвогарлик

¹ Соколов В.В. Европейская философия XIX - XX веков. М.: 1995. - С. 189.

² Ясперс К. Смысл и назначение истории. - М., 1994. - С. 141.

килаётган минтақаларнинг ташкил топишини кузатиб турибмиз. Илгари технологик ва иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган Шарқ эндиликда ўзининг иқтисодий ва сиёсий имкониятлари жиҳатидан Ғарб билан солиштирилмоқда. Агар Жанубий - Шарқий ва Шарқий Осиёнинг Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Хитой, Тайван каби мамлакатларни олсак, унда биз дунё тараққиётининг янги минтақавий маркази ҳақида сўз юрита оламиз. Марказий Осиёнинг ўзига хос минтақавий марказ сифатида шаклланиши юз бермоқда.

Шубҳасиз, янги воқелик ўз аксини фалсафада ҳам топмоқда. Ҳозирги давр фалсафий мактаблари ўртасидаги ўзаро бир-бирига қарама-қаршилик аста-секин ўзаро ҳамсухбатликка ва бирлаштирувчи нуқталарни излаш томон бормоқда. Турли фалсафий дастурлар синтезига асосланиб ташкил топган янги йўналишлар пайдо бўлмоқда. Экзистенциализм ва янги гегелчилик, янги томизм ва феноменология, герменевтика ва лингвистик таҳлил, янги кантчилик ва экологик инсонпарварлик ва структурализм, бихевиоризм ва интуитивизм, янги прагматизм ва бошқа оқимлар ўртасида янги чатишмалари пайдо бўлмоқда¹. Масалан, агар марксизм фалсафасини олсак, унда анъанавий марксизм билан бир қаторда, биз христианча марксизм, таҳлилий марксизм, фрейдча марксизм, экзистенцияча марксизмни топамиз.

Витгенштейн ва Хайдеггернинг ғоялари Карл-О.Апел ижодида ўз бирикмасини топади. Гуссерл ва Фреге ғоялари Г.Патцига ва Э.Тугендхат ижодида бир-бирига қўшилиб, сингиб кетади. Гегель ва Маркс ғоялари, Макс Вебернинг ижтимоий ақлийлашган назарияси, Кольбергнинг ахлоқий назарияси, Сирлнинг тил ҳаракати назарияси, Парсонснинг тизим назарияси Ю.Хабермас ижодида ўз бирлашган якунини топади. Бошқа йўналишлар ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Ю.Хабермаснинг ўзи охирги ўн йилликлардаги фалсафий вазиятни шундай таърифлайди: “Умуман охирги ўн йилликда шундай ҳиссиёт туғилдики, бизнинг юз йиллигимиз учун хос

¹ Ахмедова М. Фалсафа. - Т.: 2005. - Б. 215.

бўлган фалсафий ҳаракатлар ўзлари одатланган белгиларини йўқотмоқдалар. Биз гўёки ўтиш даврида яшаётгандекмиз”¹.

Ғарб ва Шарқ фалсафий маданиятларининг ўзаро бир-бирларига кириб бориш жараёни кўпроқ фаоллашмоқда. Шарқ мамлакатларида Европача-америкача фалсафий анъаналар билан танишиш борган сари чуқурлашиб бормоқда. Бошқа томондан, Шарқ фалсафий тизимларининг анъанавий ғоялари Ғарбда ўзининг ейилишини давом эттирмоқда. А.Шопенгауэр, Ф.Ницше, У.Джемс, Р.Эмерсон, Дж.Ройс, М.Хайдеггер, К.Ясперс, К.Юнг, Э.Фромм ва бошқалар ўзларида у ёки бу даражада Шарқнинг фалсафий ва диний таълимотлари томонидан таъсирга дучор бўлганликларини сездилар.

Масалан, XX аср Европа фалсафасининг энг муҳим йўналишлари бошида турган А.Шопенгауэр ўзининг асосий асари бўлган “Дунё ирода тасаввур сифатида” китобининг муқаддимасида китобхонни огоҳлантириб ёзадики, қадимги ҳинд донишмандлиги билан танишиш, уни фалсафасини тушунишнинг шартларидан биридир. Мана шу асарнинг ўзида у ёзадики, “ҳинд донишмандлиги яна қайта Европага интилиб, бизнинг билимларимиз ва тафаккуримизда тубдан тўнтариш ясаиди”². М.Хайдеггернинг дўстларидан бирининг эслашича, машҳур файласуф, япон мутафаккири Д.Судзукининг “Дзэн - буддизм” китобини ўқиб чиқиб қайд этган экан: “Агар мен бу одамни тўғри тушунган бўлсам, бу шунинг ўзики, мен ўзимнинг барча асарларимда ўшани айтишга ҳаракат қилганман”³. Бу каби фикрларни яна давом эттириш мумкин.

Шарқнинг дунёқараш йўналишларининг ҳозирги замон Ғарбий Европа фикрига таъсири, аввало, инсоннинг ички дунёсини фалсафий тушуниш, микрокоинот ва макрокоинот уйғунлиги, ижтимоий қурилиш, ахлоқий ва эстетик ғояларга тааллуқлигидадир. Гап шундаки, агар маълум шартлар билан айтиш мумкин бўлсаки, Ғарб ташқи дунёни табиатни назарий жиҳатдан ўзлаштиришда муҳим кўрсаткичларга ва натижаларга эришган

¹ Ўша асар, - Б. 218.

² Ўша асар, - Б. 223.

³ Ўша асар, - Б. 223.

бўлса, Шарқ ички дунёни (инсонни) билиш йўлида қаттиқ таъсир қолдирувчи ютуқларга эришди. Шу муносабат билан академик Н.И.Конрад ёзган эди: “ҳар бир авлод учун шуни ёдда тутиш зарурки, Шарқнинг инсон ва жамият ҳақидаги илмининг барча соҳаларидаги назарий фикрини ҳисобга олмоқ лозим, негаки, айниқса ана шу соҳалар ғоят муфассал ва кенг миқёсда Шарқда ишлаб чиқилган”¹.

Европоцентризм қарашларини танқид остига олган, экзистенциализмнинг классикларидан бири бўлган К.Ясперс Шарқ маданиятига мурожаат қилиш зарурлигини қайд этиб ёзади: “Осиёда бизга етишмайдиган нарса бор ва у биз учун жиддий аҳамиятга эга! Биз ҳали инсон табиатининг камолоти йўлида эмасмиз. Осиё биз учун зарурий қўшимча бўлиб хизмат қилади”².

XX асрдан бошлаб-интеграцион жараёнлар шароитида - Шарқ билан Ғарб маданиятлари суҳбатлашуви шиддатли ва муҳим вазифа бўлиб қолди. XX ва ҳозирги XXI асрни “турли маданиятларнинг ҳақиқий учрашуви, турли хилдаги цивилизацияларнинг мулоқот асри сифатида”³ ифодалаш мумкин.

¹ Конрад Н.И. Запад и Восток. - М., 1972. - С. 27.

² Ахмедова М. Фалсафа. - Т.: 2005. - Б. 234.

³ Ўша асар, - Б. 243.

II БОБ. XX АСР ҒАРБИЙ ЕВРОПА ФАЛСАФАСИДА ГНОСЕОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ.

2.01. XX аср Ғарбий Европа фалсафасида рационализм ва иррационализм. Онгсизлик ғояси ва психоанализ.

Мумтоз фалсафа инсон ақли, унинг имкониятларига суянган ҳолда дунёга оқилона қараш, ақлий билишга кўпроқ ишонган бўлса, XX аср файласуфларидан анчагина қисми кўпроқ руҳиятнинг нораціонал (ноақлий) элементлари-инстинкт, ирода ва бошқа англолмаган руҳий фаолиятга кўпроқ эътибор бера бошладилар¹. Масалан, “Ҳаёт фалсафаси” деб номланган оқимни олиб кўрайлик. Бу оқим XIX аср охирида Германия ва Францияда вужудга келган. Унинг асосчиларидан бири немис файласуфи Ницшедир (1844-1900). У инсон ҳақидаги анъанавий қарашларни тақлил қилиб, уларга баҳо берар экан, одам боласида махлуқлик ва холиқлик бирлашиб кетганини ёзади ва ўзининг беҳад қудратли тафаккурини одам зотини махлуқликдан кутқариб, холиқлик мақомига қаратишга қаратади. Чиндан ҳам Ф.Ницше мумтоз фалсафадаги мавҳум тушунчалар бўлган материя ва рух, борлик ва онг ўрнига “ҳаёт” тушунчасини киритиш лозимлигини кўрсатиб ўтади. Ҳаёт деганда у табиий - биологик томонни тушуниш билан бир қаторда инсон боласини мукамалликка интилишини ҳам назарда тутди. Ф.Ницше инсоннинг бу интилишида ирода кучига алоҳида эътибор беради. Ф.Ницше Шарқ фалсафасини, айниқса бундан икки ярим минг йил муқаддам айнан бизнинг диёримизда яратилган зардуштийлик фалсафасини яхши ўрганиб, “Зардушт таваллоси” асарини ёзади. Бу асарида Ф.Ницше Шарқ одами, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритади ва уни Ғарб ҳаёт тарзига сингдиришга ҳаракат қилади. Инсонни ер юзида Оллоҳ яратган жамийки жонли мавжудотларнинг гултожи эканлигини қайд этиб, унинг (инсоннинг)

¹ Аюпов А.Т. XVII - XX асрлар Ғарб фалсафаси. Т.: 2000. - Б. 19.

энг олий қадрият эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади¹. Ф.Ницше фалсафаси кейинги даврлар файласуфлари ижодида ривожлантирилди.

“Ҳаёт фалсафаси” нинг яна бир вакили француз файласуфи А.Бергсондир (1859-1941). А.Бергсон ҳам фалсафадаги ананавий муаммоларга мурожаат қилиб, ҳаётни космологик тарзда тушунади. Ҳаёт унинг талқинида оламнинг маънавий ўзгаришидан иборат бўлиб, материя ҳаётсиз қотиб қолган, ўзгармас тушунчага айланиб қолган бўларди. Интуиция, ҳиссий кечинмалар унинг асосий шакллари бўлиб, ҳис-туйғу ва унинг асосида юзага келадиган чексиз алмашувлар, унинг фикрича ҳар қандай фалсафий қарашнинг асосидир. Ана шу руҳий ҳислатларнинг йиғиндиси ҳақиқий реалликни юзага келтиради ва фалсафанинг мазмун-моҳиятини белгилаб беради².

“Ҳаёт фалсафаси” нинг яна бир йирик намоёндаси О.Шпенглер (1880-1936) ҳаётни маданий-тарихий соҳа сифатида қарайди. У ўзининг “Европанинг сўниши” номли энг йирик асарида тарихий тараққиётни ўзига хос қонуниятлар асосида ривожланиб боровчи жараён, бир тирик “организм” сифатида тушунтиради. Унинг талқинига кўра, тарихнинг тараққиёти эволюцион йўл билан амалга ошади, унинг умумий ҳаёт йўли бир бутун маданий тарихий жараёндан иборат. Тарих ривожланувчи жонли организм сифатида уч-ёшлик, етуклик ва қулаш босқичларини ўз ичига олади.

XX аср Ғарбий Европа фалсафасининг яна бир вакили Зигмунд Фрейд (1856-1939) бўлиб, у руҳий таҳлил фалсафасининг (психоанализ) асосчисидир. Бу фалсафада онгсизлик инсон табиатини билишнинг бош ва муҳим омилидир. З.Фрейд онгсизликни таҳлил қилар экан, дунёни ва инсонни метафизикларча тушунишни енгиб, уларни диалектик талқин қилишга йўл очади. Фрейд ноонглиликни (онгсизликни) онглиликка қараганда кенг ва чуқур деб таърифлайди. Инсон ҳаётининг фаолиятининг муҳим томонларидан яна бири онгсизликни белгиловчи, ҳал қилувчи омил

¹ Шермухаммедова Н. Гносеология. Т.: 2007. - С. 98.

² Фалсафа. Энциклопедик луғат. Т.: 2010. - Б. 44.

жинсий майиллик деб ҳисоблайди. Фрейд жинсий майиллик инсон руҳияти, унинг бузилиши ёки унга ижобий таъсир кўрсатишнинг асосигина бўлмай, балки маданиятнинг олий шаклига ҳам, жумладан бадиий адабиёт, инсон ижтимоий қадрияти руҳига ҳам ўз таъсирини ўтказади, у билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатади. Фрейд инсон борлигини таҳлил қилар экан, онгнинг борлиққа бўлган муносабатига аниқлик киритади. Инсон борлиққа ўз онгги билангина эмас, балки бошқа руҳий ҳолатлари билан ҳам муносабатда бўлишини таъкидлайди. Фрейд таъбирича онг тушунчаси билан руҳият тушунчаси айнан бир эмас. Инсон руҳияти тўғрисида сўз борганда даставвал онгсизлик ҳақида, унинг ижод қилиш ва дунёни билиш жараёнидаги аҳамияти тўғрисида гапириш керак.

Руҳий таҳлил фалсафаси эркин мулоқатда бўлиш методини майдонга ташлайди. Бунда инсоннинг эркин фикрлаши, ўз ҳиссиётини эркин намоён қилиши унинг саломатлиги учунгина эмас, балки ижод қилишининг ҳам асосий омили эканлигини кўрсатади. Бироқ ҳақиқий эркинликни бошқалар ҳаётига зарар келтириш инстинктдан фарқ қилиш лозим. Шунинг учун инсон ҳаётида яхшилик қилиш, виждонли бўлиш, яратиш, ижод қилиш эркинлиги билан, бузиш, йўқ қилиш, ўлдириш эркинлигини фарқ қила билиш лозим. Юқоридагиларнинг биринчиси Фрейд фикрича инсоний, иккинчиси ҳайвоний хусусиятдир¹.

Чиндан ҳам бизнинг фикримизча ҳозирги даврда инсон омили энг долзарб масала (бу масала ҳамма даврларда ҳам долзарб бўлган) бўлиб турган бир пайтда З.Фрейд таълимотининг назарий ва амалий аҳамияти нафақат Шарқ ва Ғарб фалсафий тафаккури учун, балки барча халқлар ҳамда барча даврлар фалсафий тафаккури учун ҳам беқиёсдир.

Зигмунд Фрейд ўз таълимотини фалсафий таълимот деб атамайди. Лекин шундай бўлса-да унинг қарашларида инсон борлиғи, унинг мавжудлиги, ҳаётининг мазмун-моҳияти, инсонда кечадиган онг усти ва онг ости жараёнлари, унинг олам ва ўз-ўзини билиши билан боғлиқ масалалар

¹ Фалсафа. Энциклопедик луғат. Т.: 2010. - Б. 286.

атрофлича ҳал этилади. Рухий таҳлил фалсафаси телепатия, экстрасенс, парапсихология соҳаларига жуда катта қизиқиш уйғотади. Лекин инсон онгида кечадиган бу ҳодисаларнинг механизми тўла тушунтириб берилмагани-баъзи ҳолларда уларнинг замирида мистик-ирроционал қарашларнинг ҳам жонланишига сабаб бўлди.

Фрейд ва унинг издошлари асарларидаги онгсизлик концепциясига эътибор берар эканмиз, шуни таъкидлаш лозимки, Фрейд томонидан онгсизлик муаммосини қўйилишининг ўзи унинг илм-фандаги катта хизматидир. Инсон, унинг мавжудлиги масаласини онгсизлик ва онглилик нисбати тариқасида қўйилиши бу муаммонинг фалсафий талқин қилишда янгилик эди. Аммо Фрейд қарашларида онгсизликнинг ролини мутлақлаштиришга уриниш яққол кўзга ташланиб туради.

Шунинг учун ҳам рухий таҳлил фалсафасининг кейинги вакиллари Фрейддаги бу бир ёқламалиликни бартараф этишга ҳаракат қилиб, онглиликнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва ролини тўғри тушунтиришга, жамиятда шахс ривожига ижтимоий омилларнинг ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини изоҳлашга, ўз асарларида илмий асослашга уриндилар.

Илм-фан ва техниканинг жадал суръатлар билан ривожланиб бориши кейинги даврларда рационализм ва иррационализм ўртасидаги курашнинг янада авж олишига сабаб бўлди. Одамларда илмий техника инқилоби жамиятда кўпдан бери етилиб бораётган жуда кўп ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имкониятини юзага чиқарди. Бундай қарашлар сциентизм (лотинча *scientia* - билим, фан деган маънони англатади) ва технократия (юнонча *tehnē*-маҳорат, *kratos*-ҳокимият, жамиятда техника ролининг ошиб бориши) оқимларида ўз ифодасини топди. Ўз навбатида бу XX асрнинг 50-80 йилларида пайдо бўлган индустриал, постиндустриал ва информацион жамият тўғрисидаги қарашларнинг шаклланишига олиб келди. У.Ростау, Д.Белль каби олимлар ана шу асосда “умумфароғат жамияти” тўғрисидаги назарияларни яратдилар.

Лекин табиий равишда бундай оптимистик назариялар ҳам кейинги даврларда жамиятнинг объектив қонуниятлари асосида маълум маънода ҳаёт сахнасидан четга суриб қўйилди. Чунки, ўтмиш мутафаккирлари огоҳлантиргани каби илмий-техника инқилоби инсоният олдига ўта мураккаб, зиддиятли муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди. Бу эса ўз навбатида сциентизм ва технократияга қарама-қарши ўлароқ антисциентизм ва антитехнократияни келтириб чиқарди. Бу қарашлар тарафдорлари фан ва техника ривожига нигилистик¹ муносабат билдириб, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги салбий томонларини бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

Ушбу фаслда биз XX аср Ғарбий Европа фалсафаси ривожидида муҳим аҳамият касб этган рационализм ва иррационализм, онгсизлик ғояси ва психоанализ каби баъзи фалсафий таълимотлар ҳақида қисқача фикр юритдик. Албатта, XX аср Ғарбий Европа фалсафаси юқорида биз келтириб ўтган фалсафий таълимотлар билан чекланиб қолмайди. Бу давр фалсафасида таҳлил қилинган фалсафий муаммолар, айниқса БМИзмнинг мавзуси ҳисобланмиш гносеология муаммолари ўзининг ниҳоятда долзарблиги, шу билан бирга мураккаб ва зиддиятлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Уларнинг барчасини таҳлил ва тадқиқ этишга эса ишимизнинг ҳажми камлик қилади. Шу боисдан биз юқоридагилар билан чекланамиз.

¹ Қаранг: Философский энциклопедический словарь. М.: 1989. - С. 421. Лотинча nihil - ҳеч нарса, ҳар қандай ахлоқий нормаларни, умумэтироф этилган қадриятларни, маданий анъаналарни ва ҳокозоларни инкор этувчи қарашлар тизими.

2.02. Позитивизм, неопозитивизм ва постпозитивизм фалсафасида гносеология муаммолари.

Неопозитивизм, яъни янги позитивизм XX аср Ғарбий Европа фалсафасининг энг кенг тарқалган ва илмий маънавий муҳитда ўзининг катта таъсир кучига ва мавқеига эга бўлган йўналишларидан бири бўлиб, у позитивизмнинг тарихан учинчи кўринишидир. Позитивизмнинг биринчи кўриниши XIX асрнинг ўрталарида инглиз файласуфлари Г.Спенсер, Ж.С.Милль ва француз мутафаккирлари О.Конт ҳамда А.Бергсон томонидан фалсафий тафаккур саҳнасига олиб чиқилган эди.

Бошланғич даврда О.Конт позитивизми илмий билимларни фалсафий билимлар деб таҳлил қилишни талаб қилиб чиққан. У шундай фалсафа бўлиш керакки, на материализмга ва на идеализмга ўхшамаган бўлсин. Бу мақсадда шундай фанлар тизимини яратиш керакки, у ҳеч қандай мунозарага муҳтож бўлмаган, фақат далилларга суянган аниқ ижобий билимлардан иборат бўлсин. Бунинг учун янги илмий билиш методини яратиш керак.

Позитивизмнинг келиб чиқишида аниқ фанларнинг ривожланиши (математика, физика, химия, биология ва х.к.) жуда катта роль ўйнаган. Позитивистлар Ф.Бэкон ва Р.Декартнинг индукция ва дедукция назарияларини танқид қилиб чиқдилар.

Улар ҳақиқатга аниқ, эксперимент орқали эришиш мумкинлигини исботлашга ҳаракат қилганлар. О.Конт билим келгусини олдиндан кўрмоқ учун, келгусини олдиндан кўрмоқ эса кучли бўлмоқ учун зарур деган ғояни асослашга уринди. О.Контнинг фикрича, фан моҳиятни эмас, фақат ҳодисани билади. У ўз асарларида дунёни адекват акс эттириш учун махсус фанлардан фойдаланиш кифоя қилмаслигини, билишнинг умумий илмий методларини ишлаб чиқиб, айрим махсус фанлар ўртасидаги боғланишларни очиб, илмий билиш тизимини яратиш лозимлигини илгари суради¹. Асосий фанлар поғанаси О.Конт назарида “математика-астрономия-физика-химия-биология-

¹ Розов М.А. Методологические особенности гуманитарного познания. Новосибирск. 1986. - С. 386.

социология” кўринишига эга бўлиши лозим. Кўриниб турибдики, социология биология қонунларига асосланади, лекин у индивидларнинг ўзаро муносабатларидан келиб чиқувчи ўзига хосликка эга. Бу ҳаракат ҳар бир авлоднинг кейингисига таъсири натижасида янада мураккаблашади. Ўзининг бу қарашларини О.Конт “Позитив фалсафа курси” (1830) асарида асослаб берган.

Позитивизмнинг иккинчи кўриниши махизм ёки эмпириокритицизм деб аталади. Бу йўналишнинг келиб чиқиши асосида XX аср бошларида физиология ва психология фанларида ҳайвон ва инсон сезгиларини тушунтиришда эришилган ютуқлар ётади. Немис олимлари Э.Мах ва Р.Авенариус фан далилларига бир ёқлама муносабат билдириб, махизм фалсафасини ривожлантиришган эди.

Аммо адолат юзасидан шуни тан олиб айтиш лозимки, Э.Мах ва Р.Авенариус физика соҳасида йирик тадқиқотчилар эди. Гап шундаки, улар классик (И.Ньютон) физикаси асосида шаклланган макон, замон, ҳаракат ва куч ҳақидаги мавҳум тушунчаларга ноклассик (релятивистик) физика нуқтаи назаридан талқин беришга уринишган.

Махизмга ўхшаш қарашларни тарғиб қилиб чиққан, позитивизмнинг иккинчи босқичига мансуб бўлган оқимларидан бири прагматизмдир. Прагматизм юнонча “прагматус” сўзидан олинган бўлиб, “ҳатти - ҳаракат” деган маънони англатади. Прагматизмнинг асосчиси йирик Америка мутафаккири Чарлз Сандерс Пирс ҳисобланади. Прагматизм ғоялари Пирсдан сўнг унинг ватандошлари У.Жеймс, Ж.Дьюи, Ж.Г.Мид, Буюк Британияда Ф.К.С.Шиллер томонидан ривожлантирилган.

Прагматизм, Пирс таъбири билан айтганда, шундай фалсафий методки, у тушунча ва эътиқоднинг маъносини аниқлашга ёрдам беради, ғоя ва тушунчалар фақат тадқиқотчи томонидан текширувдан ўтгандан кейингина муайян аҳамиятга эга бўлади. Прагматизм ҳақиқатни гносеологик масала сифатида тан олмайди. Прагматизм таълимотига кўра амалиёт ва ҳақиқат яхлит ҳолда намоён бўлсагина бирон маънога эга бўлади.

Прагматизм фалсафаси вакиллариининг фикрича ҳақиқат ва амалиёт индивид манфаатида намоён бўлади. Манфаат тушунчаси эса ўз навбатида индивиднинг субъектив қизиқишларини қондирувчи нарсани англатади. Чарлз Пирснинг машҳур принципига кўра объект томонидан келтириб чиқарилган оқибат ҳақидаги тушунча мазкур объект ҳақидаги тушунчадир. Прагматизм том маънода “фойдали” фаолиятга ундовчи, фойдага қандай қилиб эришиш йўллари ва усуллари ҳақида мулоҳаза юритувчи фалсафий таълимотдир. Позитивизм ўз вақтида АҚШнинг давлат мафкурасига айланишга ҳам улгурган эди. Чунки у АҚШ ижтимоий-маданий ҳаётининг меваси сифатида мавжуд маънавий эҳтиёжларга хизмат қилди ва Америка бизнесменлари, сиёсатдонлари ҳамда давлат арбоблари орасида кенг тарқалган эди.

Позитивизмнинг учинчи тарихий кўриниши неопозитивизмдир. Бу фалсафий оқим бир вақтнинг ўзида Австрия, Польша ва Англияда пайдо бўлди. Неопозитивизмнинг ғоявий отаси австриялик мантиқшунос ва физик олим Морис Шлик (1882-1936) эди.

Вена университетининг кўзга кўринган олимлари М.Шлик раҳбарлигида 1920 йилларнинг бошларида “Вена тўғараги” ни тузишди. Уларнинг махсус нашр органлари ҳам бўлган. Улар “Билиш” номли журнал нашр этганлар ва бу журнал 1930-1939 йилларгача, яъни Австрия фашистлар томонидан ишғол қилингунга қадар мунтазам чиқиб турди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг идеалистик руҳда бўлган мақолалар Ғарбнинг “Анализ”, “Тафаккур”, “Фан фалсафаси”, “Синтез” ва х.к. журналларида эълон қилиниб турилди.

Неопозитивизмнинг фалсафий таълимотига келсак, у асосан қуйидаги уч кўринишда намоён бўлади:

1. Мантикий позитивизм;
2. Лингвистик таҳлил;
3. Конвенционализм ва физикализм.

“Мантикий позитивизм” тарафдорларининг фикрича, агар инсоннинг билиш жараёни унинг тафаккури асосида содир бўладиган бўлса, демак, у тушунчалардан фикрлаш воситаси тарзида фойдаланади, баски шундай экан тушунчалар оламда мавжуд бўлган нарса ва ҳодисаларнинг символлари, яъний белгиларидир. Инсон билишининг асосий мақсади эса мазкур символларнинг маъносини аниқлашдан иборатдир. Неопозитивизмнинг Р.Карнап, Г.Рейхенбах каби вакиллари фикрича, тафаккур одам тажрибасига ижодий эркинлик бағишлайди ва бунинг натижасида тафаккур оламда мавжуд бўлмаган нарсалар ҳақида ҳам тушунча яратиши мумкин. Бу билан ушбу йўналиш вакиллари билиш жараёнида математик мантик, семиотика каби фан соҳаларининг ўрни ва ролига катта урғу берадилар.

Неопозитивизм вакиллари ижодида билиш назарияси муаммолари бўйича диққатга сазовор жиҳатлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам мавжуд эди. Масалан, улар мантиқни фалсафадан устун қўядилар. Уларнинг фикрича фалсафа абстракт тушунчалар табиати билан эмас, балки илмий билиш, тушунча ва символларнинг мантикий таҳлили билан шуғулланмоғи лозим. Шундай қилиб “Мантикий позитивист” лар фанларнинг фани, отаси ҳисобланмиш фалсафанинг дунёқараш ва методологик вазифаларини инкор этиш билан чекланиб қолмай, уни математика ва мантиққа “қурбон” қиладилар¹. Мазкур ғоялар Л.Витгенштейннинг “Мантикий фалсафий рисола” (1921) асарида, А.Айернинг “Тил, ҳақиқат ва мантик” (1936) асарида ва бошқа неопозитивистлар асарларида тарғиб этилади.

Неопозитивизмнинг иккинчи тарихий кўриниши “Лингвистик таҳлил” фалсафаси бўлиб, у XX асрнинг 30 йилларида тарих сахнасига чиқди. “Лингвистик таҳлил” фалсафаси асосан Англияда, шунингдек, АҚШда шаклланди. Унинг асосчилари А.Мур, Л.Витгенштейн, Б.Рассел, Кембриж университетида Н.Малколим, Д.Уистдом, Оксфорд университетида эса Г.Райл, П.Стросон, Д.Остин каби файласуфлар, мантиқшунос ва тилшунослар ҳисобланади. “Лингвистик таҳлил” фалсафасининг моҳияти

¹ Григорьев Б.В. Классическая логика. М.: 1996. - С. 8.

билан “Мантикий позитивизм” фалсафасининг моҳияти ва методологияси бир асосга қурилгандир. Агар “Мантикий позитивизм” да неопозитивистлар асосий эътиборни символ ва белгиларни мантикий зиддиятлардан (яъни фалсафий абстракциялардан) халос этишни, илмий билишни математик мантиқ ва математика принциплари каби ихчам ва аниқ атамаларга кўчиришга даъват этишган бўлса, “Лингвистик таҳлил” фалсафасида эса улар илмий “тил” ни кундалик турмуш “тили” даражасига яқинлаштиришни асосий мақсад қилиб қўйишди.

Неопозитивизмнинг учинчи тарихий кўриниши *конвенционализм* ва *физикализмдир*. Конвенционализмнинг мазмуни шундан иборатки, унда илмий тадқиқот учун қўлланиладиган атамалар “конвенция”, яъний келишув асосида илм-фанда буткул “эркин” қабул қилинади¹. Масалан логиканинг бошланғич символлар орқали ёки математик аксиомалар ёрдамида умуман янги натижаларни олиш мумкинлиги конвенционализм учун асос қилиб олинади. Бунда илмий билимлар олишнинг бошланғич тушунчалари умуман шартли бўлиб, улар олимлар ўртасидаги маълум келишув асосида яратилади. Мазкур тезисда конвенционализмнинг субъективистик табиати яққол кўзга ташланади. Мазкур тезисни шаклланишида таниқли математик Д.Гильберд, Пост, Бауэр ва Гемпель каби мантиқшунослар, Р.Карнап каби физикларнинг хиссаси катта бўлди. Конвенционализмга шунингдек, К.Айдукевич, Я.Лукаевич ва Л.Тарский каби поляк мантиқшунос ва тилшуносларининг ҳам таъсири салмоқли бўлган.

Физикализм эса XX асрнинг 20-йилларининг охири ва 30-йилларида пайдо бўлди. Унинг вакиллари асосан йирик австриялик физиклар Р.Карнап, О.Нейрат, Г.Фейгл, Ф.Франк ва А.Айер (инглиз математики) кабилар ҳисобланади². Физикализм таълимотининг асосий маъноси шундан иборатки, гуёки қандайдир универсал тил ёрдамида барча фанларни бирлаштириш

¹ Кахановский В.П. Философия и методология науки. Ростов на Дону. 1999. - С. 109.

² Ўша асар. - Б. 115.

мумкин. Бундай универсал тил вазифасини физикалистларнинг фикрича, математик физика фани бажара олади.

Физикалистлар 30-йилларнинг ўрталарида Европадан АҚШга кўчиб ўтишади ва Америка Қўшма Штатларининг Чикаго, Беркли ва бошқа университетларида фаолият олиб боришади. Бу ерда улар “Умумлаштирилган билимлар қомуси”ни яратишга ҳам улгуришади. Албатта, физикализмнинг универсал фан тилини яратишга уринишлари муваффақиятсизликка учради. Бунинг асосий сабаби эса ўша даврдаги Ғарбий Европа ва АҚШда мавжуд бўлган бошқа баъзи фалсафий оқимлар каби уларда ҳам бир ёқламалик, муаммога метафизик, антидиалектик ёндошув эди. Чунки улар ўз хулосаларини асослашда объектив воқеликнинг, оламнинг моддий бирлиги принциpidан эмас, балкисубъект учун қулай бўлган тил воситаларининг бирлигидан келиб чиқишади. Умуман хулоса қилиб айтганда физикалистлар ҳам конвенционалистлар каби воқеликни формал акс эттиришга ортиқча эътибор қаратишади, ҳар қадай расмий системани, жумладан илмий назарияни объектив мазмунини инкор этишади, инсон билиши билан боғлиқ бўлган расмий воситаларга ортиқча баҳо бериб, уларни мутлоқлаштирадилар.

Шундай қилиб, неопозитивизм қандай қиёфага кирмасин (мантикий позитивизм, лингвистик таҳлил, конвенционализм, физикализм ва х.к.) туб моҳияти бирдай бўлиб, улар на идеализмга, на материализмга тўғри келмайдиган қадайдир “ижобий” характерда бўлган учинчи ва нейтрал фалсафий таълимотни яратмоқчи бўладилар¹.

Ғарчи шундай бўлишига қарамай, неопозитивизмнинг анчагина ўзига хос ижобий томонлари ҳам мавжуд эди:

- илмий билишнинг янги уфқларини забт этишга уриниш;
- анъанавий методлардан четга чиқишга, билишнинг янги ўзига хос методларини яратишга уриниш;

¹ Алексеев П.В., Панин А.В. Теория познания и диалектика. - М.: 1991. - С. 46.

- уларнинг илмий тадқиқотлари натижасида кибернетика, генетика, семиотика, информация назарияси, бионика ва бошқа фанларга асос солинди;
- автоматика, телемеханика, компьютерсозлик кабилар айнан улар илгари сурган илмий ғоялар асосида вужудга келди ва XX - XXI аср воқелигига айланди;
- улар ўз илмий тадқиқотлари билан башарият олдида инсон ақлий фаолиятини моделлаштириш ва формаллаштириш мумкинлигини назарий жиҳатдан асослаб бердилар;
- гуманитар фанларнинг математикалашуви ва формаллашувида уларнинг хизматлари катта бўлди;
- уларнинг асарлари жамиятни структуравий-функционал таҳлил қилишда ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, Б.Рассел, К.Поппер каби неопозитивистлар ижтимоий фанлар соҳасида прогрессив ғояларни илгари сурдилар.

Неопозитивизм XX асрнинг 60-70 йилларидан “*постпозитивизм*”, яъний “*неопозитивизмдан кейинги позитивизм*” деб атала бошланди.

Постпозитивизм асосан Англия ва Америка Қўшма Штатларида кенг тарқалган. Унинг асосчилари К.Поппер, Т.Кун, И.Локатос, П.Фейрабенд каби XX аср Ғарб зиёлилари ҳисобланишади. Айрим илмий манбааларда бу йўналиш “фан фалсафаси” ҳам деб келтирилади. Постпозитивизм таълимотининг асосий моҳияти фанни фалсафадан ва эмпирик оламдан ажратишга уринишдир. Бунинг учун улар турлича илмий принципларни илгари сурадилар (демаркация, верификация ва х.к.).

Демаркация (фр.demarkcation-чегараларни ўрнатиш) у ёки бу мулоҳазанинг ноилмийлигини аниқлаш мезони. Эмпирик фанлар билан математика, мантиқ ва “метафизик” тизимлар орасидаги фарқни аниқлаш воситаси. Бу тушунча Карл Поппер томонидан илмий муомилага киритилган. Билиш жараёнига демаркация принципи нуктаи назаридан илмий ёндошув Ф.Бэкон ва И.Ньютон таълимотларининг индуктив методига асосланган. Бу

холда билиш жараёнида олинган натижалар кузатиш, далиллар билан қайд этилади ва кейин умумлаштирилади. Мантикий позитивистлар демаркация мезони сифатида верификация тамойилини қабул қиладилар. Унга мувоффиқ фанда, фалсафада ҳар бир ҳодисанинг ҳақиқатлиги текширилиши лозим. К.Поппер эса демаркация мезони сифатида фальсификацияни қабул қилган ва фан ривожига метафизиканинг катта таъсир кўрсатганини тан олган.

Верификация (лот. *verus*-ҳақиқий, *fakio*-бажараман)¹ - мантикий позитивизмнинг бош тамойилларидан бири. Бу принципга кўра олам тўғрисидаги ҳар қандай даъвонинг ҳақиқатлиги пировард натижада уни ҳиссий маълумотлар билан таққослаб кўриш йўли билан аниқланиши мумкин. Верификация тамойили асосида Вена фалсафий тўғараги томонидан ифодалаб берилганидек, билиш ҳиссий тажриба доирасидан ташқарига чиқа олмайди деган ғоя ётади.

XX аср фалсафасида тил масалаларихам алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада айниқса неопозитивизмнинг “лингвистик таҳлил” ёки “аналитик фалсафа” таълимотида яққол кўзга ташланади. Неопозитивизмнинг “лингвистик таҳлил” мактаби ўз фалсафий таълимотида АҚШ прагматизмининг асосчиларидан бири Чарлз Пирсинг прагматик семиотикасини, шунингдек, Л.Витгенштейн, Р.Карнап, К.Мур, Б.Рассел ва К.Айдукевич каби файласуфларнинг тил ҳақидаги назарияларини асос қилиб олишди. Айрим “аналитик”ларнинг “ташаббуси” билан ҳатто XX аср “таҳлил асри”, деб ҳам эълон қилинди.

¹ Фалсафа. Энциклопедик қомусий луғат. Т.: 2010. - Б. 67.

2.03. Герменевтика фалсафасида билиш назарияси масалалари.

XX асрнинг 40-50 йилларига келиб бундай даъво янада кучайди Бушов-шувларнинг ташаббускори Л.Витгенштейн бўлди. 70-80 йиллардан бошлаб эса тил масаласи, унинг семантикаси ва синтаксиси ҳаттоки ижтимоий муаммоларни ҳам ўрнини эгаллаш даражасига борди. Бунда Европанинг кўзга кўринган Э.Бетти, П.Рикер, Г.Гадамер, К.Апел, Ю.Хабермас, З.Корет, М.Хайдеггер каби қатор олимларининг хиссаси катта бўлди. Киши ва жамият ҳаётида тилнинг ролини ҳаддан ташқари ошириб кўрсатиш, ҳаттоки ижтимоий ҳодисаларни ҳам инсон тилига боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш ҳоллари юз берди. Бу “герменевтика” деб ном олган фалсафий таълимот позициясидан туриб амалга оширилди.

“Герменевтика” юнонча сўз бўлиб, “изоҳлайман”, “тушунтираман”, деган маъноларни билдиради. Бу атама афсонавий юнон худоси Гермес номидан олингандир. Қадимги юнон файласуфи Платон ўзининг “Ион” номли диалогида худолар билан оддий одамлар ўртасида воситачилик қилувчи, худоларнинг иродасини одамларга етказувчи кишилар бу шоирлардир деб ёзган эди. Оддий кишилар тушунмайдиган ёзувларни (масалан, афоризмлар, афсоналар, символлар) маъносини изоҳловчи одамлар “герменевист” ҳисобланган. Инсон тили, унинг тузилиши ва вазифалари муаммоси кишиларни қадимдан қизиқтириб келган. Тил муаммоси фақат фалсафий таълимотларнигина эмас, балки диний таълимотларни ҳам шаклланишида ўзига хос муҳим роль ўйнаган. Масалан, Инжил, Таврот, Қуръон каби илоҳий китобларни шарҳланиши, бошқа тилларга таржима қилиниши кабиларни бунга мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

Тил, белги, символ муаммолари қадимги юнон мутафаккирлари Афлотун, Арасту, Стоиклар, шунингдек, буюк Шарқ мутафаккирлари Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Носириддин Тусий, Ибн Рушд, Ғарбда Фома Аквинский, Ф.Шлейрмахер, В.Лейбниц, В.Гумбольд каби файласуф ва

тилшунослар томонидан ҳам ўзлари яшаб турган ижтимоий муҳит талабларидан келиб чиққан ҳолда талқин ва тадқиқ қилинган.

Ҳозирги замон фалсафий герменевтикаси ривожланишининг ва XX асрнинг етакчи фалсафий таълимотларидан бирига айланишининг тубгносеологик сабаби XX аср фани ва техникасининг мисли кўрилмаган ютуқларини мантиқий талқин қилиш муаммолари билан боғлиқлигидир. XX асрга келиб инсон тафаккури макро жисмларни билишдан микро ходисаларни ҳам билиш босқичига ўтди. Фан мантиғи ва методологияси ўзгарди, янгича меъёр, идеал ва парадигмаларга эҳтиёж сезилди. Кишининг воқеликни инъикос эттириши билан боғлиқ бўлган бу жараёнда термин, символ ва белгиларнинг маъноси (семантикаси), уларга инсоннинг муносабати (прагматика) масаласи тобора илмий билиш соҳасида кескин ўқйила бошланди. Иккинчи томондан давримизнинг навқирон фани-кибернетиканинг тараққиёти қатор лингвистик, мантиқий, механик, психологик, техник ва ахлоқий муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Жумладан, инсон ахлоқий фаолиятини моделлаштириш, инсон мияси вазифасининг техникавий андозасини яратиш, машина билан инсон мулоқотини ташкил этиш муаммолари ва х.к.¹

Герменевтика шу маънода XX аср илмий ва техникавий тараққиётида тасодифий ҳодиса бўлмай, мазкур тараққиёт томонидан тақозо этилган қонуний фалсафий йўналиш сифатида тарих саҳнасига чиқди. Герменевтика узок тарихий ўтмишга, ўзига хос тарихий тараққиёт босқичларига, ҳал этилишини кутиб турувчи бир қатор муаммоларига эга. Электроника, микроэлектроника, механика, компьютерсозликнинг ривожини, инфорамацион жамият ва ҳозирги давр маданияти тараққиётини фалсафий герменевтика ютуқларисиз тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳам герменевтика масалалари тилшунослар, психологлар, файласуфлар томонидан кейинги ўн йилликлар мобайнида кенг тадқиқ этилмоқда.

¹ Мигдал А.Б. Физика и философия.// Вопросы философии. 1990.№ 1. - С. 31.

XX аср фалсафий герменевтикасининг Ғарб маънавий дунёсида оммалашишининг юқорида тилга олинган тарихий-ижтимоий, сиёсий-маданий сабаблари ўша даврда содир бўлган йирик ижтимоий ҳодисалар билан узвий боғлиқдир. Бу фикримизни асослаш мақсадида биз ушбу таълимот вакилларининг айрим қарашларини қисқача таҳлил этамиз.

Маълумки, экзистенциализм фалсафаси (мавжудлик фалсафаси) икки йирик-диний ва атеистик қанотга эга. Экзистенциализм фалсафасининг атеистик қаноти асосчиси немис файласуфи Мартин Хайдеггер ўзининг экзистенциалистик герменевтикасида тарихий тараққиёт масаласига катта эътибор беради. Бу эса ўз навбатида XX аср бошларида Ғарб маънавий дунёсида ҳукм сурган сиёсий вазият билан узвий боғлиқ эди. М.Хайдеггер герменевтикаси кўпроқ субъектнинг ички кечинмалари билан боғлиқ бўлиб, мазкур кечинмаларни ташқи воқелик боғлиқлиги эмас, балки субъектнинг унинг муаммосини тушунишга қаратилган.

Герменевтика масалалари билан Ф.Шлегел, Ф.шлейрмахер, В.Дильтей каби файласуфлар ҳам шуғулланишган. Уларни кўпроқ “фалсафа тили”, хусусан поэзияда, санъатда, турли маданият намуналарида объектив гўзаллик инъикоси масалалари қизиқтирган. В.Дильтей эса герменевтиканинг келиб чиқиш тарихини ўрганди, уни муайян даврнинг руҳий ҳаётини ўрганиш асосида ўтмиш маданиятини талқин қилиш методи деб таърифлади.

Герменевтик методда амалиёт билан узвий алоқа яққол кўзга ташланиб туради.

Бу фалсафий таълимотнинг энг йирик вакилларида бири саналмиш Х.Г.Гадамер герменевтика - бу тушуниш, ҳақиқат томон ҳаракат қилиш жараёни тахлилидир, герменевтика ҳақиқатга эришиш амалиётнинг ўзидир, деб тушунтиради¹.

Хулоса қилиб айтганда, герменевтика XX аср Ғарб оламида бўлган йирик сиёсий воқеалар, мисли кўрилмаган илмий-техникавий ютуқлар, жамият ҳаётида қудратли информацион таъсирларни, реклама ва мафкуравий

¹ Ильин В.В. Теория познания. Эпистемология. М.: 1994. - С. 22.

ходисаларни кишининг индивидуал онги томонидан идрок қилишини турли муаммоларига жавоб бериш мақсадлари йўлида пайдо бўлган таълимотга айланди.

Фалсафий герменевтика 80 йиллар охири ва 90 йиллар бошида ҳам Ғарб маънавий ҳаётида оммавий қизиқиш уйғотиб турувчи таълимот ҳисобланади. Унда субъектив иррационалистик томонлар билан бир қаторда диққатга созовор бўлган илмий ютуқлар ҳам мужассамлангандир.

Герменевтика тарафдорлари ҳозирги замон фалсафаси тарихини ишлаб чиқишда ҳам катта роль ўйнайдилар. Масалан, Гадамер антик дунё фалсафаси ва тарихини, немис фалсафасини ўрганишда герменевтик методларни қўллаб Ғарб илм-фани ривожига катта ютуқларга эришди.

ХУЛОСА

Бизнинг давримизга яқинлашган сари илм-фаннинг равнақ топиши ва технологик ривожланиш суръатлари янада жадаллашди. Бунда ижтимоий интеграция ва сиёсий бошқарув анча мураккаблашди ва муаммоли тус олди. Ҳар бир якка шахснинг ҳаракатчанлиги ва зиммасидаги вазифалар юки жиддий даражада ошди. Айни бир пайтда жамият устидан назорат ва табиатга аралашув кучайди¹.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда бизнинг олдимизга кўйилаётган муҳим вазифалардан бири, бой маънавий меросимизни холисона ўрганиш орқали, ватанимиз келажаги ҳисобланган ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашдан иборат. Ўтмиш маънавий меросимизни холисона ўрганиш, тарғиб этиш, жаҳон халқларининг асл миллий-маънавий қадриятлари, тарихий ўзлигини, жаҳонона руҳ ва менталитетини қайтадан тиклаш, уларга замонавий мазмун бериш орқали ёшларда мустақиллик мафқурасини шакллантириш учун асос бўлади.

Она диёримиз - мустақил Ўзбекистонда қад кўтараётган фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат муҳташам биносини барпо этишга қаратилган оламшумул ислохотлар, жумладан, уларнинг муҳим омили-мамлакат фуқаролари онги, дунёқарашидаги ўзгаришлар фалсафаси давлатимиз раҳбари И.Каримовнинг асарлари, маърузалари, нутқлари ва бошқа чиқишларида изчил баён этилган. Уларнинг ҳам ибтидоси, ҳам интиҳосини айни миллий маънавият, ижодий тафаккур масалалари ташкил этган.

Мумтоз фалсафий фикр намояндаларидан бири-П.Лавровнинг таъкидлашича, фалсафа инсоний руҳ фаолиятининг ўзга соҳаларидан фарқ қилиб, у уларнинг барчасига ҳаётийлик, инсонийлик бахш этади, натижаларини инсон учун тақдим этади². Фалсафасиз фан, бу-ашёлар

¹ Гуннар Скирбекк, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. -Т.: 2002. - Б. 690 - 691.

² Жалолов А. Истикбол уфқлари. -Т.: 1998. - Б. 217.

йиғиндисига, санъат - хунармандчиликка, ҳаёт эса - мурватга айланиб қоладилар. Фалсафий мушоҳада, мулоҳаза юритиш, бу - ўзида инсонни, бир бутун, яхлит мавжудот сифатида камол топтирмак демакдир. Р.Декартнинг айтишича, фалсафанинг инсонлар хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларини йўналтиришдаги аҳамияти уларнинг тўғри йўналишда кадам ташлашлари учун ўзлари бажарадиган вазифадан ҳам юқорирокдир¹. М.Монтеннинг фикрича, агар инсоннинг қаршисида фақат ғам ва қайғудан бошқа нарса бўлмаса, демак, билингки бу ерда фалсафадан ном-нишон ҳам йўқ экан².

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, фалсафа фақат файласуфлар, ўқув юртлари, мактаблар учунгина керак, ўқиб ўрганишгагина дахлдор нарса бўлмай, у аввалам бор, жамият, халқ, мамлакат, давлат учун зарур. Зеро, Афлотун айтганидек, фалсафа, яъни ақл-заковат, донолик, сиёсий ҳокимият, давлат бошқаруви билан уйғунлашмагунча, инсониятнинг бахти қаролиги барҳам топмайди.

Демак, фалсафа бутун маънавият оламининг ҳам маънавияти, унинг мағзи, гултожиси, ибтидоси ва интиҳосидир. Бундан айни фалсафанинг, файласуфларнинг юксак ижтимоий масъулияти келиб чиқади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳозирги глобаллашув, юксак даражада ривожланиб бораётган техника ва технологиялар асрида давр ва замон талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган, юқори интеллектуал салоҳиятга, маънавият ва маданиятга эга бўлган ёшлар сифатида тарбиялаш энг долзарб вазифалардан бўлиб ҳисобланади. Шу маънода бизнинг фикримизча жаҳон халқлари тарихини, фалсафасини, унинг турли йўналиш ва таълимотларининг мазмун-моҳиятини яхши билиш ҳозирги замон ёшлари олдида қўйиладиган энг асосий масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам биз ушбу БМИда Ғарб дунёси ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий ҳаётида XX асрда рўй берган оламшумул воқеалар ва

¹ Ўша асар, 217 бет.

² Монтень М. Опыты. М.: 1992. - С. 286.

уларнинг инсоният фалсафий тафаккурида акс этиши билан боғлиқ масалаларга асосий эътиборимизни қаратдик. Бунда биз фалсафа фанининг марказий муаммоларидан бири бўлган гносеология масалаларининг XX аср Ғарбий Европа мамлакатларида қўйилиши ва ечилиши билан боғлиқ баъзи жиҳатларнигина таҳлил қилиш билан чекландик.

Маълумки, XX аср Ғарбий Европа фалсафаси жуда кўп оқим, йўналиш ва мактабларга эга бўлиб, уларнинг барчасини биргина БМИ доирасида кўриб чиқиш, таҳлил ва тадқиқ қилиш қийин албатта. Чунки бунга БМИмизнинг хажми ҳам йўл қўймайди. Шунинг учун ҳам биз XX аср Ғарбий Европа фалсафасида кенг тарқалган ва катта мавқега эга бўлган рационализм ва иррационализм, онгсизлик ғояси ва психоанализ, позитивизм, неопозитивизм ва постпозитивизм, герменевтика фалсафасида билиш назарияси масалаларининг фақат айрим жиҳатларигагина эътиборимизни қаратдик.

Бундан ташқари XX аср Ғарбий Европа фалсафасининг ўзига хос жиҳатлари, унинг асосий муаммо ва мавзулари ҳам бизнинг диққат марказимизда бўлди.

Биз ушбу БМИда илгари сурган фикрларимизнинг мантиқий давоми ўлароқ қуйидаги *амалий тавсияларни* беришни лозим топдик:

1. XX асрда Ғарбий Европа фалсафасининг ривожланиш йўналишлари жаҳон фалсафаси тарихида алоҳида ўзига хос бир давр. Шу боисдан ҳам Республикамиз ОТМда фалсафа фани соҳаси билан боғлиқ йўналишларда, жумладан “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълим” йўналишининг бакалаврият ва магистратура йўналишида “XX асрда Ғарбий Европа фалсафаси” деган алоҳида махсус курсни ўқитиш жорий қилиниши мақсадга мувофиқ.

2. Юқоридаги фикримиздан келиб чиқиб, Республикамиз ОТМларининг “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълим” йўналишининг бакалаврият ва магистратура босқичларида “XX аср жаҳон фалсафасида онтология муаммолари”, “XX аср жаҳон фалсафасида гносеология муаммолари”, “XX

аср жаҳон фалсафасида аксиология муаммолари” каби махсус курсларнинг ҳам ўқув жараёнига киритилиши мақсадга мувофиқдир.

3. Ёш авлодни миллий ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний кадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади. Бу жараёнда XX аср жаҳон файласуфларининг ҳаёт йўли ва жасорати аҳамиятлидир. Шу маънода, ёшлар ўртасида таълим ва тарбия жараёнларини янада ривожлантириш мақсадида соҳа олимлари олдида қуйидаги конкрет вазифаларни қўйиш ва бу вазифаларнинг ижро этилиши учун шароитлар яратилиши зарур:

- юқорида номлари зикр этилган ўқув курсларининг пухта ишланган, бир-бирини такрорламайдиган, дунё таълим стандартларига тўла-тўқис мос келадиган фан дастурларини ишлаб чиқиш;
- ушбу ўқув курслари юзасидан ўқув қўлланмалар, дарсликлар ёзишлари ва чоп этиришлари учун моддий маблағлар ажратиш ва уларга қулай меҳнат шароитлари яратиш;
- собиқ СССР даврида бу соҳага яхши эътибор қаратилмаганини ҳисобга олиб, кўп йиллик тажрибага, фалсафий маълумотга (базага) эга бўлган профессор-ўқитувчиларнинг айнан шу соҳа йўналишида ўқув малакавий курсларини ташкил қилиш ва уларни қайта тайёрлаш;
- XX аср жаҳон фалсафаси, шу жумладан Ғарбий Европа фалсафаси муаммоларини янада чуқурроқ ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ қилиш учун чет мамлакатларга соҳа мутахассисларининг илмий сафарларини уюштириш;
- Бу масалалар юзасидан чет эл файласуфларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилиш, агар таъбир жоиз бўлса интернет сайтларига жойлаштириш;
- XX аср жаҳон фалсафаси муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуманлар уюштириш ва уларда ёшларнинг, айниқса соҳа мутахассисларининг фаол иштирокини таъминлаш;

- ОАК тасарруфидаги ва бошқа илмий журналларда XX аср жаҳон фалсафаси, шу жумладан Ғарбий Европа фалсафаси муаммоларига бағишланган илмий мақолалар чоп этилишига янада кўпроқ эътиборни қаратиш;
- XX аср жаҳон фалсафаси муаммолари юзасидан докторлик диссертациялари ҳимояси борасида илмий тадқиқотлар олиб борилишини рағбатлантириш;
- XX аср жаҳон фалсафаси намоёндаларининг ватанпарварлик, маърифат, тарбия билан боғлиқ ғояларини оммавий ахборот воситалари орқали кенгроқ тарғиб қилиш ва бу борада туркум маълумотларни бериб боровчи кўрсатув, эшиттиришларни йўлга қуйиш ва х.к.
- Ва ниҳоят XX аср жаҳон фалсафаси намоёндаларининг фалсафий ғояларини ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ қилишда фақат уларнинг ижобий, прогрессив томонларини қабул қилишимиз лозим. Бу эса ушбу масаланинг энг муҳим ва энг нозик томони бўлиб, давлат, халқ ва миллат келажагини белгилаб берувчи ўзига хос омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Албатта, бу бизнинг ушбу соҳани ривожлантириш бўйича шахсий фикр-мулоҳазаларимиз, холос. Лекин, XX аср бошларида ўзбек зиёлиларидан бири ёзганидек “дунёда муқим турмоқ учун дунёвий илм керак”. Дунёвий илм эса инсондан ўз навбатида сабр-тоқатни, интеллектуал салоҳият, меҳнат ва таъбир жоиз бўлса маънавий жасоратни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. - Т.: 2000.
2. Каримов И.А. Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш - бугунги куннинг устувор вазифасидир.
// Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. - Т.: 2006.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. - Т.: 2008.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эритиш остонасида. - Т.: 2011.
5. Кохановский В.П. Философия. Ростов-на-Дону. 1999.
6. Алексеев П.В., Панин А.В. Философия. - М.: 1998.
7. Алексеев П.В., Панин А.В. Теория познания и диалектика. - М.: 1991.
8. Алексеев П.В., Панин А.В. Философия. - М.: 2009.
9. Ахмедова М. Фалсафа. - Т.: 2005.
10. Аюпов А.Т. XVII - XX асрлар Ғарб фалсафаси. - Т.: 2000.
11. Голованова В.Г. Курс лекций по Основам философии. - Т.: 1999.
12. Горбачёв В.Г. История философии. Брянск. 1998.
13. Горелов А.А. Философия. - М.: 2008.
14. Григорьев Б.В. Классическая логика. - М.: 1996.
15. Гриненко Г.В. История философии. - М.: 2009.
16. Гуннар Скирбекк, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. -Т.: 2002.
17. Ғарб фалсафаси. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. -Т.: 2004.
18. Жалолов А. Истикбол уфқлари. - Т.: 1998.
19. Зотов А.Ф. Современная западная философия. - М.: 2001.
20. Идеология национальной независимости: основные понятия и принципы. - Т.: 2001.
21. Ильин В.В. Теория познания. Эпистемология. - М.: 1994.
22. Канке В.А. История философии. - М.: 2000.
23. Канке В.А. Философия. - М.: 1999.

24. Кахановский В.П. Философия и методология науки. Ростов на Дону. 1999.
25. Конрад Н.И. Запад и Восток. - М., 1972.
26. Мигдал А.Б. Физика и философия. // Вопросы философии. 1990. № 1.
27. Монтень М. Опыты. - М.: 1992.
28. Мотрошилова Н.В. Рождение и развитие философских идей. - М. 1991.
29. Ракитов А.И. Философия. Основные идеи и принципы. - М.: 1990.
30. Рассел Б. История западной философии. - М.: 2000.
31. Рассел Б. История западной философии и ее связи с политическими и социальными условиями от античности и до наших дней. Новосибирск: 2007.
32. Соколов В.В. Европейская философия XIX - XX веков. - М.: 1995.
33. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. - Т.: 1998.
34. Фалсафа. Ўқув қўлланма. - Т.: 1992.
35. Фалсафа. Энциклопедик луғат. - Т.: 2010.
36. Шермухамедова Н.А. Философия и методология науки. - Т.: 2004.
37. Шермухамедова Н. Гносеология. - Т.: 2007.
38. Щедровицкий Г.П. Философия. Наука. Методология. - М.: 1997.
39. Эмирова Е.Э. Стрельцова А.С. Введение в философию. - Т.: 2008.
40. Эминов А.М., Қаршибоев Ҳ.Қ. Бакалаврият таълим йўналиши битирувчилари учун битирув малакавий ишлари таёрлаш ва ҳимоя қилишга оид услубий кўрсатмалар. - Гулистон: 2010.
41. Ясперс К. Смысл и назначение истории. - М. 1994.

XX АСР ЖАҲОН ФАЛСАФАСИНИНГ ЕТУК НАМОЁНДАЛАРИ:

1. Альбер Камю (1913-1960)
2. Арнольд Тойнби (1889-1975)
3. Анри Бергсон (1859-1941)
4. Бертран Рассель (1872-1970)
5. Вильгельм Виндельбанд (1848-1915)
6. Вильгельм Дильтей (1833-1911)
7. Генрих Риккерт (1863-1936)
8. Георг Зиммель (1858-1918)
9. Джон Дьюи (1859-1952)
10. Жак Мартен (1882-1973)
11. Жан-Поль Сартр (1905-1980)
12. Зигмунд Фрейд (1856-1939)
13. Карл Поппер (1902-1988)
14. Карл Ясперс (1883-1969)
15. Людвиг Витгенштейн (1889-1951)
16. Макс Вебер (1867-1920)
17. Мартин Хайдеггер (1889-1976)
18. Освальд Шпенглер (1880-1936)
19. Пьер Тейяр де Шарден (1881-1955)
20. Рудольф Карнап (1891-1970)
21. Рихард Авенариус (1843-1896)
22. Фридрих Ницше (1844-1900)
23. Чарлз Пирс (1839-1914)
24. Эрих Фромм (1900-1980)
25. Эдмунд Гуссерль (1858-1938)
26. Эрнст Кассирер (1874-1945)

**ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИДА ФАЛСАФА
ТУШУНЧАСИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

Жилд №	Жилдларнинг номланиши	Чоп этилган Йили	Фалсафа тушунчаси неча марта ишлатилган
1.	Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура	1996	4
2.	Биздан озод ва обод ватан қолсин	1996	8
3.	Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир	1996	5
4.	Бунёдкорлик йўлидан	1996	3
5.	Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби	1997	1
6.	Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида	1998	8
7.	Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз	1999	11
8.	Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт- пировард мақсадимиз	2000	1
9.	Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз	2001	4
10.	Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак	2002	5
11.	Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли	2003	3
12.	Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч- қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ	2004	3
13.	Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди	2005	1
14.	Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари-олий қадрият	2006	13
15.	Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш- барча ишларимизнинг мезони ва мақсади	2007	5
16.	Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида	2008	2
ЖАМИ:		77 марта	

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	4
I БОБ. XX АСР ҒАРБИЙ ЕВРОПА ФАЛСАФАСИ.....	11
1.01. XX асрда Ғарбий Европа мамлакатларидаги ижтимоий - сиёсий ўзгаришлар ва уларнинг инсоният фалсафий тафаккурида акс этиши.....	11
1.02. XX аср Ғарбий Европа фалсафасининг ўзига хос жиҳатлари.....	15
1.03. XX аср Ғарбий Европа фалсафасининг асосий муаммо ва мавзулари.....	22
II БОБ. XX АСР ҒАРБИЙ ЕВРОПА ФАЛСАФАСИДА ГНОСЕОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ.....	26
2.01. XX аср Ғарбий Европа фалсафасида рационализм ва иррационализм. Онгсизлик ғояси ва психоанализ.	26
2.02. Позитивизм, неопозитивизм ва постпозитивизм фалсафасида гносеология муаммолари.	31
2.03. Герменевтика фалсафасида билиш назарияси масалалари.	39
Х У Л О С А.....	43
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	48
ИЛОВАЛАР.....	50